ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИНИ ЕНГИШ УЧУН ЗЎР УЮШҚОҚЛИК ВА МАТОНАТ БИЛАН ИШЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 82 (2630). | Жума, 24 апрель 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ БОШЛАНДИ

Баҳор серёғин келди. Ҳаво бир кун очиқ бўлса, бир кун булут, ёмғир шивалаб турибди. Бу экиш-тикиш ишларини орқага суряпти. Лекин омилкор деҳқонларимиз бўш келишмаяпти. Пахтакорларимиз олтиндан қимматли бўлган ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар бир қулай фурсатидан усталик билан фойдаланиб, саҳий ер бағрига «оқ олтин» уруғи қадашмоқда. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, экиш суръатига суръат қўшилабормоқда.

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Войтницев номли колхозда ҳам чигит экиш кампанияси кундан-кунга жадаллашаётир. Миришкорлар экишни мўлжалланган муддатларда тугаллаш учун астойдил ғайрат кўрсатишаяпти. Иш уюшқоқлик билан олиб борилаётгани туфайли звенолардан, бригадалардан бирин-кетин маррага етилгани ҳақида хушхабарлар келиб турибди. Чигит экишга ҳаммадан бурун киришган ўртоқ Карим Мавлонов бошлиқ бригада аъзолари юқори суръат билан ишлаб, хўжаликда биринчи бўлиб маррага етдилар. 120 гектар ерга қулай агротехника муддатларида уруғ ташланди. Ҳамма майдонларга чигит 50Х60 схемасида квадрат уялаб экилди.

— Пахтакорларимиз бу йилги мавсумда гектарлардан камида 28 центнердан ҳосил етиштиришга қатъий сўз беришган,—дейди бригадир Карим Мавлонов.—Шунга кўра аҳил коллективимиз мўл ҳосилга пухта замин яратмоқда. Қишки-баҳорги барча дала ишлари ўз вақтида, беками-кўст ўриланди. Майдонларимизнинг ҳар гектарига экиш олдидан 450—500 килограммдан суперфосфат берилди. Тайёрланган 500 тонна компостнинг асосий қисми далаларга чиқариб солинди. Экишни ҳам анча эрта бошладик. Бу ишларда Очил Эрбўтаев бошлиқ экипаж аъзолари астойдил жонбозлик кўрсатишди.

Бригаданинг меҳнатсевар аъзолари чиндан ҳам узоқни кўзлаб иш қилишаяпти. Кузги «оқ олтин» хирмонига шу кунлардан бошлаб барака қўшишяпти. Бригаданинг барвақт чигит ташланган 80 гектар ерини текис ишил квадратлар қоплаб олди. Ҳозир ана шу майдонларда ғўзаларга дастлабки ишлов бериш қизитилмоқда.

Т. СОЛИЕВ,
Э. УСМОНОВ.

Бир вақтлар бу ерга келган кишини қийғир-қийшиқ йўллар, ничик-ничик ва ўт босиб ётган нарталарни кўриб кўнгли очилмасди. Энди бўлса бу ерларга ҳусн ва файз кирган. Илгаригидек йўл бўйларида, карта четларида бўш ётган, кишн кўнглини ғаш қиладиган лахтан ерлар кўринмайди.

Карта четларида бир қарич ҳам бўш, ҳайдалмаган, ўт босган ер кўринмайди. Ариқлар тўппа-тўғри, сув равон оқадиган қилиб олинган. Йўл бўйларида даладан чиқариб ташланган ғарам-ғарам ажриқ ва бошқа ёввойи ўт илдизлари уюлиб ётибди.

Бир томонда тракторлар ерларни борона қилиб, ёввойи ўт илдизларини йиғиштириб кетаётган бўлса, иккинчи томонда шнгаб чигит экилаяпти. Карталарнинг ҳар ер, ҳар ерида узун калтак учига қоғоз боғлаб санчиб қўйилган. Бу ҳар бир колхозчининг ўзига ажратиб берилган иш ўрни. Бу ерда меҳнат шу хилда ташкил этилган. Ким қаерда ишлагани, ишнинг сифати ва миқдори яққол кўзга ташланади.

Ана, Ойнабек Жониқулов бошлиқ бригада ерлари. Бригада аъзолари 107 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Бу ўтган йили планда белгиланганидан 6, ўртача олинган ҳосил даражасидан 7 центнердан кўп демакдир. Кенг далаларда юриб бораётган тракторларга тирналган сеялкалар билан «оқ олтин» уруғлари ерга қадалмоқда. Турғун Турсунматов, Ҳайит Нишонбоев сингари механизаторлар бошқараётган тракторлар ҳайқириғи дала бўйлаб янграмоқда.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи Жониқулов, экишдан олдин ердан 18 тонна ёввойи ўт илдизини териб ташладик. Ер четларини ҳайдаб бир ярим гектар, эски зовурларни тўлдириб 62 сотих, ботқоқлик ерлардан 7,5 сотих ерни текислаб, пахтазорга айлантирдик. Илгари бу ерлар бўш қоларди. Биз бу йил тўла гектар учун шу хилда курашяпмиз.

Буларнинг ҳаммаси ернинг қадрига етиб иш тутилаётганини, ишларнинг меҳр-муҳаббат, эўр ғайрат билан меҳнат қилаётганини кўрсатади. Бу кўрким ерлар собиқ «Интернационал» колхози—«Политотдел» колхозининг янги участкаси. Далаларни кезиб чиққан кишининг баҳри-дили очилади. Кишилар билан суҳбатлашганда ишдаги ҳарорат ва маҳоратни дарҳол пайқаб оласиз. Шунда участка бошлиғи ўртоқ Ли Ян Хваннинг сўзларига сира шубҳаланмайди.

— Ўтган йили бу ерлардан 24 центнердан ҳосил олинган. Шартнома 25 центнердан бўлса ҳам план бажарилмаган. Бу йил худди шу ерлардан 32 центнердан ҳосил оламиз, — дейди ўртоқ Ли Ян Хван. — Биз ўтган йилга нисбатан ҳар гектар ердан 9 центнердан ҳосилни оширишимиз лозим. Бунн «Политотдел» колхозининг пахтачилида орттирган бой тажрибаларига, ер шароитига ва одамларимизнинг меҳнатда маҳорат кўрсатиб ишлаётганликларига ишониб айтяпмиз. Тўла гектарлар таъминланса, керакли миқдорда кўчат бўлса, агротехника тадбирлари қулай муддатларда ўтказилса, ёввойи ўт билан кураш олиб борилса, мўл-кўл сув бўлса, хуллас юқори ҳосил олиш учун ҳамма шароит яратилса, албатта шу мақсадга эриша оламиз.

Дарҳақиқат, илгари бу ерларда сув танқис, ғўзани бир марта суғориш учун камида бир ой вақт сарф этилар эди. Ҳамдам, Оғонай, Қорақалпоқ ариқларидан келадиган сув икки кубдан ошмасди. Бу йил шу ариқлар тозаланди ва кенгайтирилди. 4,5 куб сув оқадиган даражага етказилди. Майда карталар йириклаштирилди. Механизацияни ишлатиш учун ҳалақит берадиган карта ўрталаридаги дарахтлар олиб ташлаб, йириклаштирилди.

Бу ердаги кишилар авваллари ортиқча томорқа экиб, кўпроқ шунга эътибор бериб келганлар. Бу йил 48 гектар ортиқча томорқа пахта майдонига қўшилди. Илгари колхозчилар меҳнат кунига 1 сўм 30 тийиндан олган бўлсалар, энди колхоз 3 сўм 50 тийиндан ҳақ тўлаяпти. Шунинг учун ҳам бу ерда ортиқча томорқага қизиқиш йўқолиб бораяпти.

— Колхозимизда ҳосилдорлик ҳамма бригадаларда бир хил бўлиши шарт, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Хван Ман Гим, — «Политотдел» участкасида ҳозир гектаридан 40 центнердан ҳосил оламиз. Мақсадимиз бу ерларни ҳам шундай юқори ҳосил берадиган пахтазорга айлантириш.

Ҳозирги қаранг, маҳорат мана шу мақсад йўлида катта қадам ташлаётганини кўрсатиб турибди. Собиқ паст ҳосилли «Интернационал» колхозининг ерлари шу хилда юқори ҳосилли ерларга айланмоқда, деҳқончилик маданияти юксалиб бораётган хўжаликка айланмоқда. Ҳозир колхозда чигит экиш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Об-ҳаво қулай келган ҳар бир дақиқа беҳуда ўтмаяпти. Бир кунда 250—300 гектар ерга чигит экилмоқда. Ҳозирги шароитни ҳисобга олиб норма бўйича 90 килограмм эмас, 100—110 килограммдан ерга чигит ташланяпти. Улар шундай йўллар билан ўзларининг олиҳанда мақсадларига етиш учун курашни астойдил давом эттирмоқдалар.

Б. ҲАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

МАҚСАД ВА МАҲОРАТ

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари об-ҳаво қулай келган ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказаяптилар. Суратда: 8-бригадада чигит экиш пайти. Агроном А. Абдуқулов (ўнгда) бригадир У. Эшматов (орқа томонда) сифат комиссиясининг раиси В. Мадаминов ўртоқлар экиш сифатини текширмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

САОДАТ ҚОЛОҚ УЧАСТКАГА ЎТДИ

ПИСКЕНТ (ЎзТАГ). Донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ўз адресини ўзгартирди. Ўнга хат ёзиб турган кишилар бу адресни билишлари керак: Пискент, Охунбобоев номли колхоз.

Саодат Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунай Охуновадан ўрнак олиб, қолоқ коллективга ўтди, энг оғир тупроқли ерларда пахта етиштиришга аҳд қилди. Бу жойдаги ерлар тошлоқ бўлса ҳам, Гулаҳмедова бошлиқ бригада бу йил гектар бошига 25 центнердан ҳосил олишга, яъни ҳосилдорликни саккиз центнер оширишга бел боғлади.

Механизациялаштирилган иккита звено ташкил қилиниб, уларга 40 гектардан пахта майдони биркитилди. Уларнинг энг биринчи мақсади — чигитни аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган агрегатлар билан экиш, ғўза тупларининг энг яхши қалинлигига — ҳар гектарда юз минг туп ғўза бўлишига эришишдан иборат. Ҳосил асосан механизмлар ёрдамида териб олинади. Саодатнинг ўзи машинада 200 тонна «оқ олтин»теришга ваъда берди.

МЎЛ ВА АРЗОН САБЗАВОТ УЧУН

Коммунистик мўл-кўлчилик учун!

Бу — ишчининг ҳам, деҳқонинг ҳам, ҳар бир совет кишисининг коммунистик шиори. Ана шу улуғ мақсад йўлида хизмат қилиш, халқимиз ҳаётини янада фаровон этиш, унинг дастурхонини турли нозн-неъматларга безаш қандай шарафли, қандай муқаддас иш!

Баҳор билан меҳнаткашнинг янги наврўзи, ўз олдига мақсад қилиб қўйган хайрли, улкан ишларига дадил одими бошланади. Пахтам, ғаллам, сабзавотим мўл бўлсин, кўй-кўзим кўпайсин, гўшт, сут сероб бўлсин, деган киши билакларини янада баланд шимаради, меҳнат камарини маҳкамроқ боғлайди, ғайратга ва кучга тўлади.

Ана шу тиниб-тинчимас, мард ва азамат кишилар сафида — сабзавоткор, боғбон ва чорвадор ҳам бор. Боғбон ва сабзавоткор етиштирган ширин-шакар мева-чевалар, картошка, сабзи-пиёз, помидор, бодринг, турли резоворлар ҳар биримизнинг дастурхонимизни безамоқда, таомимизга лаззат киритмоқда, белимизга қувват, кўзимизга нур, билакларимизга куч бахш этаяпти. Сабзавотнинг хосиятлари беҳисобдир. Бир машҳур деҳқон: «сабзавот — озиқ-овқат, дори-дармон, кишига ҳуси ва чирой беради», деб жуда тўғри айтган эди. Ҳа, худди ана шундай. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз сабзавот, картошка, мева-чева, қовун-тарвуз кўпроқ етиштирилсин, ундан халқимиз донмо кўпроқ баҳраманд бўлсин, демоқда.

Ҳозир сабзавотчилар учун ҳам долзарб кунлар. Кенг пайкалларга эртаги карам, сабзипиёз, бодринг, картошка, помидор экилари экилиб, сифатли парвариш қилинмоқда. Эрта ҳаракат қилган деҳқоннинг экини яна бир неча кундан сўнг эл дастурхонига тортиқ қилинади. Ўтган йили областимиз колхоз ва совхозлари азаматларининг меҳнати сермаҳсул бўлди. Улар 131 минг тонна сабзавот, 59 минг тонна қовун-тарвуз, 28 минг тоннадан кўпроқ мева-чева ва узум сотдилар. Бу йилги вазифаларимиз яна ҳам улкан. Сабзавотчиларимиз: бу йил 121 минг тонна картошка, 213 минг тонна сабзавот, 102 минг тонна қовун-тарвуз, 42,7 минг тонна мева, 36,6 минг тонна узум етиштирамиз ва давлатга сотамиз, деб қарор қилдилар.

Бу йилги шароит яна ҳам мураккаб. Об-ҳаво жуда ҳам инжиқ келмоқда. Деярлик ҳар куни ёёнгарчилик бўляпти. Шундай шароитда нима қилиш керак? Сабзавотчилар машъали, «Қорасув» совхозининг механизациялашган бригада бошлиғи Насриддин Муҳиддинов бу саволга жавоб бериб бундай дейди:

— Вақт ўтяпти. Ҳаво қайсарлигини қилмоқда. Биз шундай шароитда ҳавонинг очилишини кутиб турмай қулай келган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан фойдаланмоқдамиз. Ёғин тиниши билан сабзавотларни ўтаймиз, парвариш қиламиз, ер селгиши билан уруғ қадаймиз, кўчат экамиз. Қимматли вақтни қўлдан бой бермаганимиз натижасида эртаги экинларни экиб бўлдик. Резоворлар қулф уриб ўсиб ётибди. Бир неча кундан сўнг шаҳарлик биродарларимизга меҳнатимиз мевасини тортиқ қиламиз.

Ишни ана шундай ташкил этиш керак. Табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтирган деҳқон ютқазади. Вақт ғанимат! Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бўлгани каби сабзавотчиликда ҳам механизациядан, химиявий воситалардан, илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш керак. Бир йилда икки марта ҳосил олаётган машъалларимизнинг ажойиб иши ҳар бир хўжалик учун намуна бўлсин. Сабзавотим мўл бўлсин, деган деҳқон экин кўчатларининг тўла бўлишини, химия мўъжизаларидан оқилона фойдаланишни унутмасин. Сабзавотчининг ишига унинг қанчалик мўл ҳосилдаги Абдужамилов, «Қорасув» совхозидаги Усмоналиев ўртоқлар бошлиқ комплекс механизациялашган картошкачилик звенолари ўз ишларини шу асосда ташкил этдилар. Улар картошка етиштиришни комплекс механизациялаб, киши бошига 750—880 центнердан мўл ва арзон картошка етиштиришга аҳд қилдилар.

Ихтисослаштириш ва гидропоника усули сабзавот етиштиришни кўпайтиришда муҳим шартлардан бири. Барча хўжаликларда ихтисослашган бригада ва звенолар ташкил этайлик. Гидропоника усуллари ҳамма колхоз ва совхозларда кенг қўлланилиши лозим. Полиэтилен пленка остида помидор ва бодринг етиштираётган хўжаликларнинг тажрибасини ўрганайлик. Халқимизни қишинёзин сабзавот, мева-чева билан таъминлаш — областимизда сабзавотчиларининг жанговар ва шарафли бурчидир Илғор сабзавотчилар тажрибасини кенг қўлланиб, ҳар гектар ердан камида 120 центнердан картошка, 170 центнердан сабзавот, 200 центнердан қовун-тарвуз етиштирайлик. Бунинг учун далаларда майолди мусобақасни кучайтириб, экиш, кўчат ўтқазиш ва парваришни намунали ўтказайлик.

Сабзавот, мева-чева мўл бўлсин. Эл дастурхони нозн-неъмат, зебн-зийнатларга тўлсин.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни намунали ўтказиш учун. дон, картошка, сабзавот, техника экиларни ва чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш учун мусобакани кенг авж олдирингиз!

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

АГИТАТОР СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН!

Колхозчи ўртоқлар! Биласизми, қайси хўжаликда механизация кенг қўлланилса, экинлар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан эрта озиқлантирилса, деҳқончилик маданияти қанчалик юксак даражага кўтарилса, ўша хўжаликда пахта ва бошқа экинлардан йилдан-йилга мўл ҳосил олинади. Шунга яраша даромад ҳам кўпайиб боради. Кейинги йилларда областимиз колхозларида бу соҳада қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Деҳқон ерни боқса, ер элни боқади деб шуни айтадилар-да.

Агар 1953 йилда колхозларда умумий пул даромади 86 миллион 664 минг сўмни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда даромад янада кўпайди. Масалан 1959 йилда колхозларнинг умумий пул даромади 138 миллион 475 минг сўм, 1962 йилда 143 миллион 427 минг сўм, 1963 йилда эса 165 миллион сўмга етди.

Бу партия ва ҳукуматимизнинг, сиз колхозчи деҳқонлар тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилиб келаётганлигини, колхоз хўжалигининг гуркираб ўсиши ва равнақ топиши учун тинмай ёрдам бераётганлигини кўрсатади.

ЭКИНЛАР ЯХШИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ОРЖОНИКИДЗЕ. Колхознинг шариф Валиев бошлиқ сабзавотчилик бригадаси жонкуяр аъзолари баҳорни қизғин тайёргарлик билан кутиб олдилар. Улар мавжуд 135 гектар майдоннинг ҳар гектарига 8—11 тоннадан маҳаллий, 200—250 килограммдан фосфат ҳамда бошқа минерал ўғит солиб, қуза сифатли шудгордан чиқардилар, ариқ-зовурларни сифатли тозалаб, 500 тоннадан зиёд маҳаллий ва 30 тонна минерал ўғит жамгардилар.

Дала ишларини барвақт тугаллаган сабзавотчилар экишни барвақт бошлаб юбордилар. 11 гектар ерга картошка, 7 гектар ерга карам, 11 гектар ерга пиёз, 3 гектар ерга сабзи ва резавор экинларн экишни қисқа вақт ичида тугалладилар.

Шу кунларда бригада даласида иш қизғин бораётир. Бригаданинг ҳар бир аъзоси бир жон, бир тан бўлиб ишлаб, эртаги экинларни биринчи ишловдан чиқармоқдалар.

Ҳозиргача улар 7 гектар майдондаги карамнинг тагини юмшатиб, маҳаллий ҳамда минерал ўғит билан озиқлантирдилар, 9 гектар ердаги пиёзни ўтдан тозаладилар. Бунда М. Саъдиев, М. Рашидов, И. Ғозиев, Ҳ. Ҳамидовлар, айниқса, жонбозлик кўрсатиб ишлаб, бошқаларга намуна бўлаётирлар.

— Бригадамиз аъзоларининг аҳди, —дейди бригада бошлиғи ўртоқ Ш. Валиев, — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашдир. Биз бу байрам шарафига бошланган социалистик мусобақага кўшилиб шаҳарлик дўстларимизга кўплаб сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш иштиёқида тинмай меҳнат қиляпмиз.

Ҳақиқатан ҳам «Ленинград» колхозининг ўртоқ Ш. Валиев бошлиқ бригада аъзолари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш йўлида шу кунларда завқ-шавқ билан меҳнат қилаётирлар.

С. МИРЗАЛИЕВ.

АТОМ ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

ТОШКЕНТДА АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АГЕНТЛИК ИЛМИЯ КОНСУЛЬТАТИВ КОМИТЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

«Ҳамма йўллар Римга боради», деган машҳур ибора бор. Бу иборани бошқача ифодалаб, шу кунларда атомчи олимларнинг ҳамма йўллари Тошкентда туташи, деб айтиш мумкин. БМТ илмий консультатив комитетининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш масалаларига бағишлаб Женевада ўтказиладиган учинчи Халқаро конференциясига тайёргарлик масалаларини муҳокама қилган сессияси бу ерда эндигина ёпилди. 22 апрелда эса Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) илмий консультатив комитетининг сессияси ўз ишини бошлаб юборди.

Сессиянинг очилиш арафасида ЎзТАГ мухбирининг бу сессияни ўтказиш жойи қилиб нима учун Тошкент танлаб олинди, деган саволига агентликнинг бош директори, бундан илгари ҳам Ўзбекистонда бўлган Зигвард Эклунд бундай деди: Ўзбекистон республикасининг ютуқларини ўз кўзлари билан кўриш, унинг пойтахти — катта янги шаҳар билан, Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтлари иши билан, саноат корхоналари билан, чалаўтказгичлар, ядро физикаси соҳасидаги атом энергиясидан тинч мақсадларга фойдаланиш соҳасидаги энг янги тадқиқотлар билан танишиш Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик илмий консультатив комитетининг аъзолари учун фойдали бўлади.

Ўзбекистон олимлари тинч атомни пахтакорлар, тўқувчилар, кончилар, врачлар ва бошқа кўпгина мутахассисларнинг қўлига бериб қўйдилар. Янгиер манчи асрнинг улуғ меҳнаткаши бўлган атом янги моддий неъматларни вужудга келтириб ва одамларнинг соглигини сақлаб, инсониятга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон атомчиларида чет элларидан келган меҳмонларга кўрсатадиган нарсалар ҳақиқатан ҳам бор.

Шу кунларда бутун дунёга қувончли хабар тарқалди. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи ҳукумати плутоний ишлаб чиқарадиган иккита янги катта атом реакторлари қурилишини тўхтатишга, ядро қуроли учун керакли уран—235 ни ишлаб чиқаришни яқин бир неча йил ичида анча қисқартиришга ҳамда парчаланувчи материаллардан атом электр станцияларида, саноатда, қишлоқ хўжалигида, медицинада, йирик илмий техникавий лойиҳаларни амалга оширишда кўпроқ фойдаланишга қарор қилганлигини айтди. АҚШ президенти Л. Жонсон кучайтирилган уран ишлаб чиқаришни тўрт йиллик давр ичида анча камайтириш ҳақида фармойиш берганлигини айтди.

Буюк давлатларнинг янги қадами кескинликни тагин ҳам кўпроқ камайтиришга ёрдам беради, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар очиб беради.

Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик илмий консультатив комитети сессиясининг қатнашчилари агентлик лабораторияларининг 1963 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ҳамда 1965 йилги иш программасини муҳокама қиладилар, миллий атом тадқиқотлари билан илмий тадқиқот шартномалари тузиш масалаларини, шунингдек радиоактив изотоплардан гидрологияда фойдаланиш тўғрисида, радиоактив чиқиндиларни ишлатиш тўғрисида, илмий тадқиқотларни БМТ ташкилотлари билан координациялаш тўғрисида ҳамда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик учун катта аҳамиятга эга бўлган бошқа проблемалар юзасидан бир қанча докладларни қараб чиқадилар.

Сессияни швед олими, Атом энергияси бўйича Халқаро агентликнинг бош директори Зигвард Эклунд очди. Сессия ишида жаҳоннинг йирик атомчи олимларидан Британия атом энергияси бошқармасининг раиси доктор Уильям Пенни, Бразилия атом энергияси институтининг директори доктор Хуис Синтра до Прадо, Ҳиндистон атом энергияси комиссиясининг раиси доктор Хоми Баба, Канада атом энергияси комиссияси раисининг биринчи ўринбосари доктор Уильям Льюис, СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитети раисининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. С. Емельянов, Нобель мукофоти лауреати доктор Исидор Раби (АҚШ), Франция атом энергияси комиссариатининг ташқи алоқа ва планлаштириш бўлими директори доктор Бертран Гольдшмидтлар қатнашмоқда.

Сессия ишида иштирок этиш учун Зигвард Эклунд билан бирга унинг ўринбосарлари Пьер Баллиган, Генри Зелигман, Жон А. Холл, Г. А. Ягодин, Атом энергияси Халқаро агентлигининг гарантиялар контроли бўлими директори Драгослав Попович (Югославия) ва агентликнинг бошқа масъул ходимлари ҳам Тошкентга келдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 23 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Бошқармалар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Бекобод	10,3	69,5
Калинин	12,7	51,3
Янгийўл	10,7	49,8
Оққўрғон	11,2	44,1
Ўрта Чирчиқ	12,1	40,1
Бўка	8,5	35,4
Юқори Чирчиқ	13,0	31,5
Область бўйича	10,6	46,0

ФИЛИПП ДЕ СЕЙН ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг иқтисодий ва социал масалалар бўйича ўринбосари Филипп де Сейн Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб тургандан кейин 23 апрелда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ПАРТИЯСИДАН БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ПАРТИЯСИГА

КПСС Марказий Комитетининг журнали «Партийная жизнь»нинг яқинда босилиб чиққан 8-сонида «Ишчилар синфининг партиясидан бутун совет халқининг партиясига» деган редакцион мақола берилган. Қуйида биз шу мақолани кўчириб босдик.

Хитой Компартиясининг раҳбарлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳозирги замонининг барча туб назарий ва сиёсий проблемаларига доир келтириб олган ҳамда 1957 ва 1960 йиллардаги Москва кенгашларининг ҳужжатларида ифодаланган йўлига қарши шиддатли курашни авж олдириб юбордилар ва қўпорувчилик ишларини тобора кучайтирмоқдалар. Бу кампаниянинг социал моҳияти — сўл авантюристик, майда буржуа, миллатчилик идеологиясини марксизм-ленинизмга қарама-қарши қилиб қўйишдир. Бу кампаниянинг сиёсий мақсадлари гегемонизмга интилишдир, Унинг формалари ва методлари — троцкийчилардан кўчириб олинган, марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмининг туб принципларидан чекинишни ниқоблаши лозим бўлган ашаддий демагогия ва сохта революцион сафсатабозликдир, қардош партияларга қилинаётган туҳматдан, уларнинг сафларида антипартиявий ва шу партиялар атрофида уймалашувчи фракцион группалар тузишдан, очиқдан-очиқ бузғунчилик ишларини олиб боришдан иборатдир.

Ҳозирги замон «сўл» оппортунизмининг ХКП Марказий Комитетининг 1963 йил 14 июндаги хатида бўлган бебурд 25 моддада энг тўлиқ ифодаланган кредосига КПСС Марказий Комитети фераль Пленумининг қизғин ва ҳаққоний қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1963 йил) ва февраль (1964 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, 1964 йил I квартали планини муваффақиятли бажардилар. I квартал плани саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича 103 процент бажарилди. Ўтган йилнинг I кварталидагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 11 процент ўсди.

Ўрта Осиёдаги барча республикалар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш квартал планини бажарди.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари планни 103 процент бажариб, ўтган йилнинг I кварталидагига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини 11 процент оширди.

1963 йилнинг I кварталидагига қараганда, химия саноати маҳсулоти 16 процент, қора ва рангли металлургия саноати маҳсулоти 14 процент, ёқилғи ва энергетика саноати маҳсулоти 13 процент, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати маҳсулоти 16 процент, бинокорлик материаллари саноати маҳсулоти 9 процент, ўрмон, қоғоз ва ёғоч ишлаш саноати маҳсулоти 11 процент, енгил саноат маҳсулоти 12 процент, озиқ-овқат саноати маҳсулоти 7 процент ошди.

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турлари 1964 йил I кварталида қанча миқдорда ишлаб чиқаридганлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди:

	1964 йил I кварталда ишлаб чиқарилгани	1964 йил I кварталида 1963 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида
Минерал ўғитлар — минг тонна	448,7	112
Пўлат — минг тонна	88,7	104
Қора металлар прокати — минг тонна	64,3	106
Кўмир — минг тонна	2250	95
Нефть — минг тонна	2547	109
Газ — миллион кубометр	1913	244
Электр энергияси (район электр станциялари ва блокстанциялар) — миллион киловатт-соат	3173	119
Усти очиқ сим (миснинг вазнига қараб) — минг тонна	6,1	128
Бронекабель — километр	3066	104
Компрессорлар — дона	340	112
Ўзгарувчан ток билан ишловчи электр двигателлари — минг киловатт	69,1	138
Темирчилик-пресс машиналари — дона	188	107
Химия ускуналари — минг сўмлик	3478	118
Тўқув станоклари — дона	440	85
Тракторлар — дона	3384	172
Қишлоқ хўжалик машиналари — минг сўмлик	15484	81
Трактор культиваторлари — минг дона	4301	110
Пахта териш машиналари — дона	1054	62
Бульдозерлар — дона	256	135
Экскаваторлар — дона	197	89
Скрейперлар — дона	198	132
Қоғоз — тонна	2872	102
Цемент — минг тонна	787,4	96
Йирма темир-бетон конструкциялари — минг кубометр	466,8	122
Шифер — миллион шартли тахтача	50	109
Дераза ойнаси — минг квадрат метр	2694	93
Пахта толаси — минг тонна	449,6	114
Газламалар — миллион квадрат метр:		
ип газламалар	67,6	105
шойи газламалар	15,6	115
жун газламалар	0,5	157
Пайпоқлар — миллион жуфт	12,7	126
Устки трикотаж — миллион дона	1,7	139
Ички трикотаж — миллион дона	6,8	104
Чарм пойафзал — миллион жуфт	5,5	101
Кир ювиш машиналари — минг дона	25,6	139
Велосипедлар — минг дона	18,0	111
Мебель — миллион сўмлик	10,8	114
Гўшт (давлат хом ашё ресурсларидан) — минг тонна	39,1	107
Колбаса маҳсулотлари — минг тонна	11,0	112
Балиқ овлаш — минг тонна	4,8	74
Сариёғ (давлат хом ашё ресурсларидан) — минг тонна	3,1	96
Консервалар — миллион шартли банка	40,3	107
Ўсимлик ёғи (давлат хом ашё ресурсларидан) — минг тонна	105,4	108
Совун — минг тонна	35,4	109

1963 йилнинг I кварталидагига қараганда 47,6 минг тонна кўп минерал ўғитлар, 3,8 минг тонна кўп пўлат ишлаб чиқарилди, 204 минг тонна кўп нефть, 1128 миллион кубометр кўп газ олинди, 501 миллион киловатт-соат электр энергияси кўп ҳосил қилинди, 1,3 минг тонна кўп усти очиқ сим (миснинг вазнига қараб), 132 километр кўп бронекабель, 530 минг сўмлик кўп химия ускуналари, 48 дона кўп скрейпер, 67 дона кўп бульдозер, 1415 дона кўп трактор ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмол қиладиган энг муҳим товарлар: кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш 7,1 минг дона, жуч газламалар ишлаб чиқариш 189 минг квадрат метр, пайпоқлар ишлаб чиқариш 2,6 миллион жуфт, устки трикотаж ишлаб чиқариш 475 минг дона, ички трикотаж ишлаб чиқариш 243 минг дона, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,2 минг тонна, консервалар ишлаб чиқариш 2,7 миллион шартли банка, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 8 минг тонна кўпайди.

Ўтган йилнинг I кварталидагига нисбатан ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда бир қанча буюмларни ишлаб чиқариш квартал плани тўла бажарилмади. Меҳнат унумдорлиги 1963 йилнинг I кварталидагига қараганда 7 процент ўсди.

Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг саноати меҳнат унумдорлигини ошириш планини ошиғи билан бажарди.

Кўпгина корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини пасайтириш плянини бажармади.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ПАРТИЯ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДИАЛЕКТИКАСИ

Ҳар бир ижтимоий организм каби Коммунистик партия ҳам диалектика қонунлари асосида ривожланади, марксистлар бунга ҳеч қачон шак-шубҳа қилган эмаслар. Ҳаҳонда бўлган нарсаларнинг ҳаммаси каби партиянинг ҳам ўз ўтмиши, ҳозирги ҳолати ва келажаги бор.

Турли мамлакатлардаги партияларнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига қарамай, бу ривожланишнинг баъзи бир муштарак белгилари борлигини кўриш қийин эмас. Одатда масландошларнинг маҳкам жипслашган кичик группаси тарақсада пайдо бўлган партия ишчилар ҳаракати билан қўшилиб, кенг халқ оммасига раҳбарлик қила оладиган кучга айланади. Бунга фақат Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихидаги фактларгина эмас, шу билан бирга, бошқа кўпгина коммунистик ва ишчи партияларнинг тарихидаги фактлар ҳам исботлаб турибди.

Марксчи-ленинчи партия ўз тараққиётида уч тарихий босқични ўтади: кучлар тўплаш, ишчилар синфини курашга, эксплуататорлар ҳукмронлигини ағдаришга, пролетариат диктатурасини ўрнатишга тайёрлаш; коммунизмнинг биринчи фазаси бўлган социализмни қуриш, коммунистик жамият бунёдга келтириш босқичларини ўтади. Бу босқичлар партия олдида турган мақсадлар, партия ўз ишини қандай шароитда олиб бораётганлиги билангина бир-биридан фарқ қилиб қолмай, шу билан бирга, жамиятда партиянинг тутган мавқеи билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Россияда революцион марксчи партия тузилаётган вақтда, Ленин партиянинг синфий табиатини аниқ белгилашга, ишчилар синфи курашининг энг яқин ва пировард мақсадларини илмий асосда тавсифлашга алоҳида аҳамият берган эди. Ленин «**дастлаб** қабатда ҳаммадан ажралиб иш олиб бориш, фақат битта, ягона ва **нуқул** пролетариатни ажратиб олиш — **шунгаш сўнг** эса пролетариат ҳаммани озод қилади, ҳаммани чақиради, ҳаммани таклиф қилади, деб айтиш» керак деб талаб қилган эди. (Ленинский сборник, II, 132-бет).

Одамнинг одам томонидан эксплуатация қилинишининг ҳамма формаларини тугатиш, коммунистик жамият — **синфлар бўлмаган** жамият қуриш сингари мақсадни ишчилар синфидан бошқа ҳеч бир синф қўя олмайди ва айниқса бундай мақсадга эриша олмайди. Бошқа ҳеч бир синф барча меҳнаткашларнинг ва эксплуатация қилинувчиларнинг курашига бошчилик қила олмайди, уларнинг куч ва ғайратини бирлаштира олмайди. Фақат ишчилар синфигина ҳокимият учун курашгани ҳолда, **ўзининг** синфий ҳукмронлигини абадийлаштиришдан манфаатдор эмас ва ҳар қандай синфларни ҳамда ҳар қандай ҳукмронликни тугатиш вазифасини ўз олдига қўяди. Ишчилар синфининг мана шу алоҳида роли ва мавқеи жамиятда унинг сиёсий партиясининг пролетар партияси, пролетариат диктатураси учун кураш партияси сифатидаги мавқеини белгилаб беради.

Лекин партия ўзининг синфий характерини таъкидлаши билан бирга, аҳолининг бошқа, нопролетар меҳнаткаш табақаларидан ўзини асло яккалаб қўймайди. Аксинча, у, ишчилар синфининг авангарди халқнинг катта кўпчилигининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалаганида ва ҳимоя қилганидагина ишчилар синфининг синфий манфаатларини ҳақиқатан тўла равишда ифодалайди деб ҳисоблайди. Ишчилар синфи ўз цехининг тор доирасида биқиниб қолиши мумкин эмас-ку, ахир. У, турмушнинг ҳамма кўринишларида ва ҳамма соҳаларида барча меҳнаткашларнинг ва эксплуатация қилинаётган омманинг йўлбошчиси бўлиб майдонга чиққанидагина чинакам революцион синф бўлиб қолади.

В. И. Ленининг бевосита иштироки билан ишлаб чиқилган биринчи Программадаёқ партия халқ ичидаги барча меҳнаткаш табақаларнинг манфаатларини ифодаловчи вакил бўлишни ўз зиммасига олади, деб айтган эди. Мана шунинг ўзи партиянинг пролетариат синфий позицияларидан чекинганлигини кўрсатмасдан, балки, аксинча, партия ишчилар синфининг **алоҳида** тарихий ролини, унинг жамиятдаги алоҳида мавқеини жуда чуқур тушунганлигини кўрсатган эди. «**Ишчилар синфининг партияси бўлган социал-демократия,** дейилган эди Программада, **меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи аҳолининг ҳамма табақаларини, улар пролетариат нуқтаи назаригa ўтар эканлар, ўз қаторига даъват қилади**». («КПСС резолюциялари...» 1-қисм, 45-бет).

Россияда Октябрь арафасидаёқ ишчилар синфининг партияси миллий манфаатларнинг чинакам ифодачиси бўлиб майдонга чиқди. Партия сиёсатини омма қўллаб-қувватлагаанлигининг ва социалистик революция муваффақият қозонганлигининг сабабларидан бири мана шу бўлди. Октябрь революцияси Коммунистик партия раҳбарлигида ривожланган пролетар революцияси, социалистик революция бўлди ва айни вақтда халқ революцияси ҳам бўлди. Ижтимоий турмушнинг ҳамма масалаларида ишчилар синфи «**бутун** милдатнинг, **барча** синфлар орасида бўлган жонли ва виждонли кишиларнинг ҳаммасининг» намоянди сифатида иш олиб борганлиги мана шунинг ўзида яққол кўринди. (В. И. Ленин, Асарлар, 26-том ,86-бет).

Революцияннг эртаси куниёқ В. И. Ленин партиянинг ҳамма аъзоларига ва Россиянинг ҳамма меҳнаткаш синфларига ёзган Мурожаатида ҳукмрон партия бўлиб қолган партиянинг ўзгарган мавқеини тавсифлаб, Коммунистик партияни «совет кўпчилигининг партияси» деган эди, партияга эргашиб тинчлик ва социализм ғалабасини рўёбга чиқаришга тайёр бўлиб турган ишчилар, солдатлар, деҳқонларнинг манфаатларини партия қаттиқ кўриқлаб турибди, деб таъкидлаган эди. (Асарлар, 26-том, 313-бет). Ўша даврда мамлакат халқи бўлган ишчилар, деҳқонлар, барча меҳнаткашлар «совет кўпчилиги»ни ташкил қилар эди. Ленин ўзининг кўп асарларида, партия халқ англаётган нарсаларни тўғри ифодалаётганлиги билан кучли эканлигини таъкидлайди.

Марксчилар партиянинг социал табиатини у қандай социал табақаларнинг манфаатларини ифодалаётганлиги билан ҳеч қачон аралаштириб юборган эмаслар. Партия ўзига эргаштириб олиб бораётган социал кучларнинг фронти нақадар кенг бўлса, революцион ўзгаришларни амалга оширишда қатъият ва изчилликнинг гарантияси бўлган ўзининг пролетар характерини соф ҳолида сақлаш керак, деган талаб партия учун шу қадар катта аҳамият касб қилади.

Социалистик революциянинг ғалабаси жамиятни социалистик негизда тубдан қайта қуришнинг, барча эксплуататор синфларни тугатишнинг ва меҳнаткаш синфлар ўртасидаги тафовутларни аста-секин йўқотиш учун шарт-шароит вужудга келтиришнинг бутун бир даврини очиб беради. Революцион ўзгаришлар давомида пролетариат ўзини ўзгартира боргани каби партиянинг ўзида, унинг составида, унинг иш методларида ҳам кўп нарса аста-секин ўзгара беради.

Ўтиш даврининг бошида партия ўз сафларига нопролетар унсурларнинг суқилиб кириб қолишига йўл қўймаслик учун жуда қаттиқ чоралар кўрган бўлса, ўтиш даврининг туб вазифалари ҳал қилиниб бўлганидан кейин, партия социализм ва коммунизм қурилишида актив қатнашишга астойдил интилаётган кишиларнинг ҳаммаси учун ўз эшикларини кенг очиб қўяди. Социалистик қурилиш вазифаларни ҳал қилина борган сари, совет жамиятининг синфий структураси ўзгара берди, омманинг сиёсий онги ўса берди, партия ҳам меҳнаткашларнинг ҳамма табақалари билан тобора жипс бўлиб яқинлаша берди, партиянинг идеаларини эса халқ ўз идеялари деб тобора кўпроқ қабул қила берди.

Демак, ишчилар синфининг авангарди бўлиб майдонга чиққан партия меҳнаткашларнинг, совет халқининг тобора илғор қисми бўлиб қола берди. Совет Иттифоқининг 1936 йилда қабул қилинган Конституциясида ҳам бу нарса қайд қилинди. Конституцияда айтиладики, «Ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция сафидаги энг актив ва онгли гражданлар эса меҳнаткашларнинг коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган курашларида уларнинг илғор отряди бўлган... Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ихтиёрий суратда бирлашадилар».

Ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиб, социализм қурилишини тугаллашга ва социализмдан коммунизмга аста-секин ўтишга олиб борадиган йўлга чиқиб олиш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига қариб йигирма йил керак бўлди. Маълумки, шу муносабат билан янги иқтисодий сиёсатнинг биринчи йилларидан бошлаб то 1939 йилга қадар партиямизнинг Уставида партияга қабул қилишнинг ишчилар учун ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари учун бўлган турли шартлари ўзгартирилмай сақланиб келди. Ўтиш даври орқада қолиб кетган 1939 йилдагина XVIII съездда партия ўз сафларига ижтимоий аҳволга қараб қабул қилишнинг турли шартларини бекор қилганлиги ва ҳамма учун — ишчилар учун ҳам, деҳқонлар учун ҳам, интеллигенция намоядалари учун ҳам ягона бўлган шартларга амал қиладиган бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Бу ҳол мамлакатдаги меҳнаткашларнинг нопролетар табақалари турмушининг социал-иқтисодий шароити тубдан ўзгарганлигини, шу билан бирга, уларнинг идеологиясида ҳам жуда чуқур ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатувчи тарихий фактнинг ифодаси бўлди; социализмни-нг ғалабаси натижасида вужудга келган ва Коммунистик партияни умумхалқ партиясига аста-секин айлантирмоқ учун имкониятлар пайдо бўлганлигини кўрсатиб турган янги вазиятни партия ҳисобга олганлигининг натижаси бўлди.

Социалистик муносабатларни коммунистик муносабатларга айлантириш, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш жараёнини жуда оғир ва қиргин уруш вақтинча тўхтатиб қўйди. Сталин шахсига сиғиниш кучайиб кетганлиги ва шу муносабат билан ленинчи партияга хос бўлмаган раҳбарлик методлари, партия турмушининг демократик асосларини бузишлар авж олиб кетганлиги ҳам партиянинг умумхалқ партиясига айланиш жараёнини сусайтирди.

Лекин мамлакат уруш оқибатларидан ўзини ўнглаб олгач ва янги тажриба билан бойиган партия коммунистик қурилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлини ишлаб чиққач, Сталин шахсига сиғинишни ва бунинг энг зararли оқибатларини тугатиш учун қатъий чоралар кўрилгач, партия тараққиётида табиий, қонуниятли тенденция, партияни умумхалқ партиясига аста-секин айлантириш тенденцияси тобора зўр куч билан ўзини кўрсата бошлади.

Социалистик қурилишнинг жуда катта муваффақиятлари ва шу муносабат билан Совет Иттифоқининг ҳам иқтисодий, ҳам мудофаа қудрати ниҳоят даражада ўсиб боргалиги, жаҳон социализм системаси пайдо бўлганлиги ва мустаҳкамланганлиги СССРда социализм ғалабасини тўлиқ ғалаба қилибгина қолмай, шу билан бирга, узил-кесил ғалаба ҳам қилиб қўйди. Давлат ва колхоз-кооперативлар бир-бирига яқинлашиб бориши, бутун халқнинг маданияти ўсганлиги асосида ишчилар, деҳқонлар ўртасидаги, шунингдек улар билан интеллигенция ўртасидаги синфий тафовутларни йўқотиш суръатлари жадаллашди. Бу эса совет жамиятининг социал жиҳатдан бир турда бўлишини мустаҳкамлади. Ишчилар синфининг ва унинг авангарди бўлган партиянинг идеологияси бутун халқ идеологияси бўлиб қолди.

Бу ўзгаришлар партиянинг характерида, унинг составида, унинг жамият ҳаётидаги ролида акс этмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам бу ўзгаришлар КПСС XXII съездида қабул қилинган партия Программасида ва Уставда ўз ифодасини топди. Коммунизм қуришни авж олдириш шароитида партиянинг умумхалқ характери Программа ва Уставда ўқириб ўтилди.

Партия коммунистик қурилишни авж олдириш даврига кириб ва Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ўзи қилган ишларни якундаб, ўзининг янги Программасида қуйидаги умумлаштирилган хулосага келиш учун объектив имкониятга эга бўлди: «СССРда социализм ғалаба қозониши, совет жамияти бирлигининг мустаҳкамланиши натижасида ишчилар синфининг Коммунистик партияси совет халқининг авангардига айланди, бутун халқ партияси бўлиб қолди, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига ўзининг йўл кўрсатувчи таъсирини кенгайтирди». Бу назарий қоида келажакка қаратилган шиор эмас, балки партиямизнинг реал ҳолатини қайд қилиб беришнинг ўзидир. Бу назарий қоида мамлакат ҳаётида рўй берган жуда катта социал-иқтисодий ўзгаришларни якунлайди. Пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун партиянинг кўп йиллардан бери олиб борган кураши, янги ижтимоий тузум қуришни ташкил этиш, фақат экономикани ва ижтимоий муносабатларнигина эмас, шу билан бирга, кўп миллионли омманинг онгини ҳам социалистик асосда қайта қуриш учун, совет халқининг социал-сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш учун партия олиб борган ишларнинг якунлари бу назарий қоидада яққол акс этди.

(Давоми учинчи бетда).

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР, ЯХШИ ТИЛАКЛАР

Н. С. Хрушчевга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ҳамда улуғ Ватанимизнинг равнақи, социализм ва коммунизм ишининг тантанаси йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришишни тилаб қуйидагилар оташин табрик йўлладилар:

Новосибирск шаҳридаги «Сибсельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Москва область Климов машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Ғарби-Жанубий темир йўлининг Жмеринка бўлими ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Кемерово областининг Прокопьевск шаҳридаги 8-шахта кончилари;

Океан балиқчилик флоти Клайпеда базасининг денгизчилари;

Кузбасс иқтисодий райони Халқ хўжалиги кенгаши ходимларининг коллективи;

Ужгород Давлат университетининг студентлари ва ўқитувчилари;

«Криворожжилстрой» трестига қарашли қурилиш бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Череповецк металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Североуральск шаҳри Шимолий Урал боксит конларининг ишчилари, инженер- техник ходимлари ва хизматчилари;

Ленинграддаги Суворов мактабининг битирувчилари;

Енакиевск кокс-химия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Новочеркасск политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Донецк областидаги Дебальцево локомотив депосининг ишчилари, инженер-техник ходимлари;

Таллин шаҳридаги В. Клементи номли тикув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

«Кузбассуголь» комбинатидаги «Томусинская-1-2» шахтасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари.

Курган областидаги «Родина» колхозининг аъзолари;

«Труд» газетаси редакциясининг коллективи;

Ростов область Константиновск колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети ва район ижроия комитети;

Грузия Компартияси Гагри шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети.

Херсон областидаги «Ингулец» совхозининг ишчилари ва хизматчилари;

В. И. Ленин номидаги Тбилиси политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Вильнюсдаги ҳисоблаш машиналари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Чернигов область Нежинский районидаги В. И. Ленин номли колхознинг ёш маккажўхорикорлар звеноси;

Томск подшипник заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

«Волгоградгидростой» бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Ригадаги «ВЭФ» электротехника заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

КПСС Белгород область Валуйск шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Олтой ўлкасидаги Благовещенский колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети ва район ижроия комитети;

Балахна целлюлоза-қоғоз комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Удмуртия АССР даги «Коммунар» колхозининг аъзолари;

Рязань медицина институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Винница химия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Доғистон АССРдаги «Красний партизан» совхозининг ишчилари ва хизматчилари;

Орск-Халилово металлургия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари.

Таллин политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

КПСС Бошқирдистон АССР Бирск шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Қрим областидаги «КПСС XXI съезди» колхози аъзолари;

Баренцов денгизидаги «Байкал» балиқчи траулерининг коллективи;

Қорақум канали қурувчиларининг коллективи;

Ростов-Дондаги «Ростсельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари.

Эстония ССР Пярну шаҳридаги 3-мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари коллективи;

Литва КП Шяуляй шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

«Красноармейскшахт о с т р о й» трестининг шахта қурувчилар коллективи;

«Ленин» атом музёрарининг денгизчилари;

Хмельницкий областидаги В. И. Ленин номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Бойко;

Киров қишлоқ хўжалик институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

«Оржоникидзеуголь» трестига қарашли «Юний коммунар» шахтасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

КПСС Коми АССР Инта шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

В. И. Ленин номидаги Волжск гидроэлектростанциясининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Орск шаҳридаги Южно-Уральск машинасозлик заводининг ишчилари;

Сахалин денгиз пароходчилиги узоққа сузувчи кемаларининг капитанлари;

Украина КП Суми саноат область комитети ва область ижроия комитети;

Москва областидаги Воскресенск химия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Г. К. Оржоникидзе номидаги Кутаиси автомобиль заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Туркманистон ССР Мари қишлоқ хўжалик тажриба станцияси ходимларининг коллективи;

Курган областидаги «Завети Ленина» колхозининг Шчадрин тажриба станциясининг коллективи;

Витебск область Оршанск районидаги «Большевик» колхозининг аъзолари;

Воронеждаги Э. Тельман номли вагон-ремонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

КПСС Мурманск область комитети ва область ижроия комитети;

Сахалин области, Киров колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети;

Магнитогорск металлургия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Тожикистон ССР Нурек ГЭС қурувчилари коллективи;

Украина касаба союзлари республика совети;

КПСС Камчатка область комитети ва область ижроия комитети;

Куйбишев области, «Первомайнефть» бошқармасининг коллективи;

Тюмендаги «Механик» станкосозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Киев шаҳри, Дарница ипакчилик комбинати ФЗУ мактабининг ўқувчилари ва ўқитувчилари;

Рибинскдаги полиграфия машиналари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Саратов медицина институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Кўкчатов областидаги «Комсомольский» совхозининг ишчи ва хизматчилари;

«Гурзуф» балиқ овлаш траулерининг экипажи;

Шимолий Қрим канали қурувчиларининг коллективи;

Ивановодаги Батурин номли химия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Харьков области, Валков районидаги В. И. Ленин номли колхоз аъзолари;

Қрим педагогика институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Сизрань комбайн заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Харьков трактор заводининг ишчилари, инженер-техника ходимлари ва хизматчилари;

Туркманистон ССРдаги «Москва» совхозининг ишчи ва хизматчилари;

Винница областининг Погребищенский районидаги «Маяк коммунизма» колхози аъзолари;

«Алтайсвинецстрой» қурилишмонтаж трестининг коллективи;

Целиноград областидаги «Пограничник» совхозининг ишчи ва хизматчилари;

Павлодар областидаги Богдан Хмельницкий номли совхознинг ишчи ва хизматчилари;

Ворошиловград областидаги Шимолий Флотнинг Ҳарбий кенгаши;

«Советская культура» газетаси редакциясининг коллективи;

Донецк области, Макеевка шаҳридаги 1-1 ВИС шахтасининг кончилари коллективи;

Москва темир йўлидаги Москва-Сортировочная депосининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Олтой трактор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Митишчи машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Орехово-Зуево тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

КПСС Свердловск шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Новосибирск химия-металлургия институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Қрим областидаги «Красний» совхозининг ишчи ва хизматчилари;

Свердловск области, Серов металлургия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Ново-Ярославль нефтни қайта ишлаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг студентлари, илмий ходимлари ва ўқитувчилари, Москва Давлат университетининг партия комитети;

Волгограддаги «Красний Октябрь» металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

КПСС Петропавловск-Камчатский шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

«Советская Украина» ва «Слава» антарктик кит ови бирлашган флотилиясининг кит овловчи денгизчилари;

Волгоград политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилари;

Карелия АССР, Онега трактор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Челябинск трактор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Сизрандаги бир машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Украина КП Симферополь шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Ленинград денгиз билим юртининг курсантлари;

Москвадаги С. М. Киров номли 1-соат заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Москва электр лампа заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Москвадаги «Рознак» босиш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Киев шаҳридаги Е. О. Патон номли электр пайванд институтининг ходимлари коллективи.

Н. С. Хрушчев номига табриклар ҳамон келиб турибди.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

ЎРТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ САНОАТИДА 1964 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛИДА ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўрта Осиё иқтисодий районининг саноат ходимлари партия XXII съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1963 йил) ва февраль (1964 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, 1964 йил I квартали планини муваффақиятли бажардилар. I квартал плани саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича 103 процент бажарилди. Ўтган йилнинг I кварталидагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 11 процент ўсди.

Ўрта Осиёдаги барча республикалар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш квартал планини бажарди.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари планни 103 процент бажариб, ўтган йилнинг I кварталидагига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини 11 процент оширди.

1963 йилнинг I кварталидагига қараганда, химия саноати маҳсулоти 16 процент, қора ва рангли металлургия саноати маҳсулоти 14 процент, ёқилғи ва энергетика саноати маҳсулоти 13 процент, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати маҳсулоти 16 процент, бинокорлик материаллари саноати маҳсулоти 9 процент, ўрмон, қоғоз ва ёғоч ишлаш саноати маҳсулоти 11 процент, енгил саноат маҳсулоти 12 процент, озиқ-овқат саноати маҳсулоти 7 процент ошди.

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турлари 1964 йил I кварталида қанча миқдорда ишлаб чиқаридганлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди:

	1964 йил I кварталда ишлаб чиқарилгани	1964 йил I кварталида 1963 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида
Минерал ўғитлар — минг тонна	448,7	112
Пўлат — минг тонна	88,7	104
Қора металлар прокати — минг тонна	64,3	106
Кўмир — минг тонна	2250	95
Нефть — минг тонна	2547	109
Газ — миллион кубометр	1913	244
Электр энергияси (район электр станциялари ва блокстанциялар) — миллион киловатт-соат	3173	119
Усти очиқ сим (миснинг вазнига қараб) — минг тонна	6,1	128
Бронекабель — километр	3066	104
Компрессорлар — дона	340	112
Ўзгарувчан ток билан ишловчи электр двигателлари — минг киловатт	69,1	138
Темирчилик-пресс машиналари — дона	188	107
Химия ускуналари — минг сўмлик	3478	118
Тўқув станоклари — дона	440	85
Тракторлар — дона	3384	172
Қишлоқ хўжалик машиналари — минг сўмлик	15484	81
Трактор культиваторлари

ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ПАРТИЯСИДАН БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ПАРТИЯСИГА

(Боши иккинчи бетда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси эндликда ишчилар синфининг партияси **бўлмай қолди, дейиш мумкин эмас,** чунки у ишчилар синфининг коммунистик идеалларини ифодаловчи бўлиб келди ва ифодаловчи бўлиб қолмоқда. Лекин бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партия фақат биргина ишчилар синфининг партиясигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, бутун халқнинг партияси **бўлиб қолди,** чунки бутун халқ ишчилар синфининг марксча-ленинча дунёқарашини, унинг идеалларини қабул қилди. Совет жамияти тараққиётининг жонли диалектикаси мана шу.

Социализм қуриш даврида мамлакатимизда ишчилар синфига душман идеологияни ифодаловчи синфлар ва социал табақалар бор эди, социализм билан капитализм ўртасида, ишчилар синфи билан буржуазия ўртасида иккиланувчи табақалар бор эди. Ўша вақтда партия пролетариатнинг синфий позицияларини ўзида мужассамлаштирган эди, халқнинг кўпчилигини, сўнгра эса **бутун халқни** ҳам ишчилар синфи позициясига тортиш учун узоқ давом қилган қатиқ ва мураккаб кураш олиб борди. Ҳозир бизнинг партиямиз бутун халқ партияси бўлиб қолди, деган назарий хулосанинг ўзи бу курашнинг оқибати тўла муваффақиятли бўлиб чиққанлигини кўрсатувчи реал фактнинг эътироф қилинишидир.

Совет халқининг барча меҳнаткаш табақалари—деҳқонлар, собиқ косиблар, меҳнаткаш интеллигенция — аста-секин ишчилар синфининг позициясига ўтдилар, ўз манфаатларининг ишчилар синфи манфаатлари билан, партия жуда тўлиқ ифодалар берган манфаатлар билан чуқур ва тамомила муштарак эканлигини тушуниб олдилар. Социализм ғалабаси учун олиб борилган кураш давомида бутун совет халқи Коммунистик партиянинг сиёсатини ўз сиёсати деб ҳисоблайдиган бўлиб қолмоқда, партиянинг раҳбарлигини қабул қилди ва барча меҳнаткашларнинг умумий манфаатларини бизнинг партиямиз бирдан-бир ифодаловчи партия эканлигини англади. Шу сабабли, ишчилар синфининг партияси бутун халқ партияси бўлиб қолди.

Бизнинг партиямиз ўзининг мақсадлари жиҳатидан, шу мақсадларга эришиш йўлида ўтказаётган ўзининг сиёсати жиҳатидан, совет жамиятидаги барча социал табақаларнинг — ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, интеллигенциянинг энг яхши кишиларини ўз сафида тўплаганлиги жиҳатидан том маъноси билан халқ партиясидир. **Коммунистик жамият қуришдан иборат пировард мақсаддан бутун совет халқи манфаатдордир, коммунизм қурилишининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган партиямизнинг умумхалқ характери мана шу жуда мустаҳкам негизга асосланади.**

Партия фаолиятининг демократик методлари ҳам партиянинг умумхалқ характерига мос бўлиб тушаётган методлардир. КПССнинг раҳбарлиги партиянинг маънавий обрўсига, халқнинг жуда кенг табақалари партия сиёсати ва раҳбарлигининг тўғрилигини эътироф қилаётганлигига таянади. Тараққиётимизнинг энг муҳим ва сиёсий проблемаларини муҳокама қилиш чоғида партия халққа мурожаат қилади, халқнинг коллектив ақл-идрокига таянади. «Бизнинг кучимиз ҳам шундаки, дейди Н. С. Хрушчев, партиянинг ҳаракатлари бутун халқ ҳаракатлари билан бирлашмоқда. партиясиз меҳнаткашлар партия аъзолари билан бевосита, ёнма-ён туриб ишламоқдалар» (СССРда коммунизм қурилиши ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, 4-том, 102-бет).

Турмушда вужудга келиб, қарор топган, бундан буён эса тағин ҳам кенг ва ҳар томонлама намоён бўла бердиган ҳолат янги Программада қайд қилинди. Социализмга душман синфларнинг ва социал табақаларнинг қолмагандиги тўғрисидаги, бинобарин, социалистик жамият ичида синфлар ўртасида кураш йўқлиги тўғрисидаги, Совет давлатининг умумхалқ характери тўғрисидаги, КПСС бутун халқнинг партияси бўлиб қолганлиги тўғрисидаги хулосалар мавҳум формулалар эмас. Бу хулосалар жамиятимизнинг ҳаётини, партиянинг реал сиёсатини, бу сиёсат янги тарихий босқичга мос бўлиб тушган, коммунизм қурилишига ва жамият ишларини бошқаришга бутун халқни тортишга, халқнинг активлигини оширишга, социалистик демократияни кенгайтиришга қаратилган сиёсатни ифодаловчи хулосалардир.

Марксизм-ленинизм КПССнинг бутун халқ партиясига айланиши бирданига бўлган иш, деб асло ҳисобламайди, балки КПССнинг бутун халқ партиясига айланиши аллақачон бошланган ҳамда партия раҳбарлигининг методларини янада такомиллаштиришни, партия билан халқни тағин ҳам кўпроқ яқинлаштиришни талаб қиладиган жараён деб ҳисоблайди. Партиянинг ўтмиши — битта синф партиясидир, ҳозирги партия — бутун халқ партиясидир, партиянинг келажаги — етук коммунизм ижтимоий ташкилотининг янги типига аста-секин ривожланишнинг ўзидир.

Назарий жиҳатдан шундай тахмин қилиш мумкинки, Коммунистик партия сиёсий ташкилот сифатида ҳамма вақт мавжуд бўла бермайди: ривожланган коммунистик жамият қурилиши билан бирга партия зарур бўлмай қолади. Лекин партия жамият турмушини бошқариш учун зарур ижтимоий ташкилот бўлиб қолади. Бу ленинчи идея Коминтерн II конгрессининг жуда муҳим ҳужжатида, «Коммунистик партиянинг пролетар революциясидаги роли» деган резолюцияда ифодаланган эди. Мазкур резолюцияда шундай назарий тахмин қилинган эдики, коммунизмнинг узил-кесил ғалабасига бориш йўлида уч асосий ташкилот — Советлар, касаба союзлари ва партия — ташкилотнинг ягона типига аста-секин айланиши мумкин. Бу жараён амалда қай тарзда ўтишини ҳозир айтиб бериш қийин, лекин бу жараённинг Ленин кўрсатиб берган назарий йўналишини ҳозир турмуш исботлаб бермоқда.

Коммунистик партия тараққиётининг реал диалектикаси мана шу, шу сабабли, КПСС XXII съездининг материалларида асослаб берилган хулосаларни бутун дунёдаги марксчи-ленинчилар тўла равишда маъқуллаб кутиб олганликлари табиийдир. Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ўрганишда марксизм-ленинизм методига амал қилаётганларнинг ҳаммаси бу хулосаларни қабул қилдилар. Марксизм-ленинизм методи эса «ҳар қандай назариядай, жуда яхши деганда, фақат асосий, умумий нарсанигина белгилайдиган, фақат турмушнинг мураккаблигини тушунишга **яқинлашадиган** кечаги кунининг назариясига ёпишиб олишда давом этмасдан, жонли турмушни, **воқеликнинг** аниқ фактларини ҳисобга олишни» талаб қилади. (В. И. Ленин, Асарлар, 24-том, 27-бет).

ХИТОЙ НАЗАРИЯЧИЛАРИНИНГ АСОСИЙ «ВАЖИ»

Диалектика қонунларини фақат сўздагина эътироф қилиб ломасдан, балки ижтимоий ҳодисаларни анализ қилишда шу қонунларга амал қилишга интилаётган ҳар бир марксчи-ленинчига яққол кўриниб турган нарсага Хитой раҳбарлари кескин эътироз билдирмоқдалар.

Хитой раҳбарлари партия тараққиётининг назарий проблемаларини тилга олмайдилар. Улар марксизмнинг асосий, ёки улар севиб кўп такрорлайдиган сўз билан айтганда, «ялпи» ҳақиқатларидан очиқ-равшан очиқ чекинганликларини кўрсатишни истамасалар керак. Хитой «назариячилари» «коммунистик жамиятнинг олий фазасига ўтишга қадар пролетариат диктатурасининг доимо мавжуд бўлиши муқаррар» деган битта қоидани ушлаб олиб, КПСС Программасига ҳужум қилишда мана шу қоидага таянмоқдалар. Улар «пролетариат диктатурасининг барҳам топиши айни вақтда шу давлатларнинг ҳам барҳам топишидир» деб, модомики пролетариат диктатураси мавжуд бўлиб турар экан, партия ҳам пролетариат партияси бўлиши лозим, деб даъво қилмоқдалар. Шу билан бирга, Хитой раҳбарари сира уялмай ўзлари ўйлаб чиқарган бу гапни Маркс ва Ленин айтган, деб даъво қилмоқдалар ва «ҳозирги замон ревизионистлари»дан уларни «ҳимоя қилмоқдалар». Бироқ, марксизм-ленинизмнинг давлат тўғрисидаги ва партия тўғрисидаги таълимотини кимлардан ҳимоя қилиш кераклигига бир назар ташлайлик.

Бу таълимотни буржуа давлати, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг давлати ва етук социалистик жамият давлати, коммунизмнинг юқори фазасига ўтишни амалга оширувчи давлат ўртасидаги тафовутларни кўрмаётган кишилардан ҳимоя қилиш керак эмасмикин? Ҳамма замонлар ва ҳамма даврлар учун айни бир формулани ушлаб олган кишилардан ҳимоя қилиш керак эмасмикин?

Хитой раҳбарлари капитализмдан социализмга ўтиш даврининг қонуниятларини кўра-била туриб, социалистик жамиятга татбиқ қилмоқчи бўладилар. Улар Маркс, Энгельс, Ленининг асарларида коммунизм умуман ижтимоий-иқтисодий формация тарқасида тилга олинган гапларнигина ўз мақолаларида дадил қилиб келтирмоқдалар, ваҳолонки, марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини астойдил ўқиб чиққан кишиларнинг ҳаммасига улар бу формациянинг биринчи фазаси социализм ва юқори фазаси тўла коммунизм эканлигини аниқ кўрсатиб бергандиклари жуда яхши маълумдир.

К. Маркс «Гота программасини танқид» деган ўзининг асарида бундай деб ёзган эди: «Капиталистик жамият билан коммунистик жамият ўртасида биринчисини революцион йўл билан иккинчисига айлантириш даври бор. Бу даврга сиёсий ўтиш даври ҳам мувофиқ келади ва бу даврнинг давлати **пролетариатнинг революцион диктатурасидан** бошқа нарса бўлиши мумкин эмас». (К. Маркс ва Ф. Энгельс, танланган асарлар, 2-том, Тошкент, 1959 йил, 25-бет).

КПСС Программасининг умумхалқ давлати тўғрисидаги қоидасини «рад қилмоқ» учун Марксниг бутун асаридан юлқиб олинган мана шу цитатанинг ўзидан назарий негиз тарқасида фойдаланмоқдалар. Лекин пропагандистлар Маркснинг фикрини мана шундай узиб қўйиб, унинг ўша асаридаги юқорида айтилган гапларидан кейин келадиган икки сатрни, яъни Гота программасига нисбатан айтилган қуйидаги гапларни ҳеч қаерда келтирмайдилар: «Лекин программа пролетариатнинг революцион диктатураси билан ҳам, **коммунистик жамиятда бўладиган давлат** билан ҳам шу муносабатдаги»[1]).

Хитой «назариячилари»нинг мантиқига амал қилинадиган бўлса, Маркснинг бу фикрини марксизмга қарши фикр, деб эълон қилиш керак бўлади. Дарҳақиқат, Хитой назариячилари пролетариат диктатураси барҳам топиши билан умуман давлат ҳам барҳам топади, деб даъво қилаётган эканлар, пролетариат диктатурасидан **кейин** қандай давлат тўғрисида сўз бўлиши мумкин? Модомики, коммунизм — давлатсиз жамият экан, бу қанақа «коммунистик давлат» бўлади?

Маркс капитализмдан коммунизмга ўтиш даври тўғрисида гапирганида, **коммунизмнинг** биринчи фазасини — **социализмни** назарда тутганлигини «хитойлашган марксистлар» сира тан олишни истамайдилар. Улар Ленининг «Давлат ва революция» китобида ва бошқа асарларида давлат тўғрисида Маркс ва Энгельс айтган гапларнинг **ҳаммасини** жуда пухта умумлаштириб, қуйидаги хулосага келганлиги ҳақида ҳам чурқ этмайдилар: «Одатда социализм деб аталадиган нарсани Маркс коммунистик жамиятнинг «биринчи» ёки қуйи фазаси деб атайди. Бунда ишлаб чиқариш воситалари **умумий** мулкка айлантирилганлигидан, «коммунизм» сўзини бунда ҳам татбиқ қилиш мумкин, агар бунинг тўла коммунизм **эмаслиги** эсдан чиқарилмаса, татбиқ қилиш мумкин». (Асарлар, 25-том, 519-бет).

В. И. Ленин капитални батамом ағдариб ташлаш, буржуазиянинг қаршилигини ва реставрация қилиш йўлидаги уринишларини батамом бостириш учун пролетариат билан меҳнаткашларнинг кўп сонли нопролетар табақалари ўртасидаги синфий иттифоқнинг, социализмни тўла равишда вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида тузилган иттифоқнинг алоҳида формаси бўлган пролетариат диктатурасининг моҳиятини ҳам, мақсадларини ҳам равшан белгилаб берди. (Асарлар, 29- том, 395-бет). Капитализмни тиклаш хавфини тугатиш, Ленининг фикрича, «пролетариат диктатурасининг барҳам ейишини» ҳам билдирган бўлур эди. (Асарлар, 33-том, 86-бет). В. И. Ленин пролетариат диктатураси ўзининг тарихий вазифасини бажариб бўлганидан кейин, «коммунистик жамиятда бўладиган давлат» тўғрисидаги Маркснинг чуқур идеясини четлаб ўтмади.

Маркснинг бу хусусдаги жамики фикрларини системага солиб ва ривожлантириб, Ленин бундай деб ёзди:

«Хуллас, ҳатто, **«коммунистик** жамиятда» ҳам давлат бўлади!! Бунда зиддият йўқми?

Йўқ:

I — капиталистик жамиятдаги том маъноси билан давлат.

II — ўтиш (пролетариат диктатураси): ўткинчи типдаги давлат (том маъноси билан давлат эмас).

III — коммунистик жамият давлатнинг **барҳам топиши;**

Тўла изчиллик ва равшанлик!!

Бошқача қилиб айтганда:

I — мустасно тарақасидагина, ҳеч қачон тўлиқ бўлмаган демократия...

II — буржуазиянинг қаршилигини **бостириш** билангина чекланган, деярли тўлиқ демократия;

III — одат қаторига кириб бораётган ва **шунинг учун** ҳам барҳам топаётган ҳақиқатан тўлиқ демократия...» («Марксизм о государстве», 53—54-бетлар).

Ленининг юқорида келтирилган гапларида кўрсатиб ўтилган дастлабки икки давр бизнинг мамлакатимизда энди тарқ бўлиб қолди. Совет Иттифоқида умумхалқ давлати — **коммунистик давлат, коммунизмнинг биринчи фазасидаги** давлат вужудга келди ва ривожланмоқда. Мана шу янги, коммунистик давлатнинг ўзи аста-секин ўсиб, коммунистик ижтимоий ўзўзини бошқаришга айланиши лозим, бу эса энди назарий тахмин эмас, балки жонли совет воқелигида рўй бераётган нарсадир.

Пролетариат диктатураси социализмга ўтишнинг мутлақо зарур шартидир. Пролетариат диктатураси социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси учун давлат формасида зарур, лекин пролетариат диктатураси давлати ўз ички ривожланишининг қонунларига кўра муайян босқичда, тўла равишда етук социализм босқичида умумхалқ давлатига айланади. Умумхалқ давлати эса — социалистик давлатнинг ўсиб коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга айланиши йўлидаги, умуман давлатнинг барҳам топиши йўлидаги энг муҳим палладир.

Хитой «назариячилари» моҳият эътибори билан бирор нарсани исботлашга ожиз бўлганликлари сабабли, қуйидаги даҳшатли важни рўкач қиладилар. Улар бундай деб даъво қилмоқдалар: «Марксизм-ленинизмнинг элементар билимларига эга бўлган кишиларнинг ҳаммасига маълумки, «умумхалқ давлати» деб аталган нарса ҳеч бир янгилик эмас. Буржуазия намояндалари ҳамиша буржуа давлатини «умумхалқ давлати» ёки «халқ қонимияти давлати» деб атайдилар».

Улар буни жуда кучли важ деб рўкач қилмоқдалар! Агар коммунистлар мана шундай мантиққа амал қиладиган бўлсалар, улар марксизмга қарши турли «социалистик» таълимотлар кўпайиб кетди, деб социализмдан воз кечишлари лозим бўлиб қолур эди. Улар озодлик, тенглик, қардошлик, демократия сингари шиорларни буржуа революцияси кўтариб чиққан, сўнгра эса, қонимият тепасига чиқиб олган буржуазия бу шиорларни бузиб ва сохталаштириб юборди, деган фикрга эга эканлиги туриб, бундай шиорларни амалга оширишдан ҳам воз кечишлари лозим бўлиб қолур эди. Аммо, аксинча, коммунистлар бу шиорларнинг ҳақиқий маъносини тиклаш, бу шиорларни амалга ошириш, бу ишни эса фақат социализм ва коммунизм йўлидагина рўёбга чиқариш мумкин, деган фикрдадирлар. Умумхалқ давлати тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтмоқ керак. Умумхалқ давлати тўғрисида Лассаль айтган гапларни ёки империализм идеологлари ҳозир тақрорлаётган гапларни марксистлар ҳақли равишда рад қилиб, уларга сизлар ҳалқни алдамоқдасиз, деб жавоб берадилар. Бир-бирига душман синфларга бўлинган жамиятда умумхалқ давлати ёки партияси бўлиши мумкин эмас. Социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қилиши ва мамлакат коммунизм қуришни авж олдириш даврига кириши билан ўзининг тарихий вазифасини тугаллаган пролетариат диктатурасидан ўсиб чиқаётган умумхалқ давлати аслини олганда биз айтаётган умумхалқ давлатининг ўзидир.

Хитой пропагандистлари цитаталарни юлиб-юлиб олиб, тинмай такрорлай бериш натижасида довдираб қолгач ва марксизмни бузиб кўрсатиб буни чинакам марксизм қилиб кўрсатиш нияти бемаънилигига ўзлари қаноат ҳосил қилгач, Совет Иттифоқини ҳали ҳам ўтиш даврида турган мамлакат қилиб кўрсатишга, «ким-кимни» масаласи бизнинг мамлакатимизда ҳали ҳам тўла ва узил-кесил ҳал этилмаган масала деб, «капитализмнинг реставрация қилиниш хавфи ҳали ҳам бор», шу сабабли пролетариат диктатураси ва пролетарлар партияси бўлиши керак, деб даъво қилишга уринмоқдалар. Хитой матбуоти бу даъвони тинмай такрорламоқда. Жумладан, ХКП Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Джоу Яннинг ижтимоий фан ҳодимлари йиғилишида 1963 йил 26 октябрда йўл-йўриқ бериш мақсадида сўзлаган нутқида такрорланган.

Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқини ҳозирги мавжуд ҳолатида эмас, балки бундан 35 йил муқаддам, янги иқтисодий сиёсат замонида бўлган ҳолатида кўришни истайдилар. Шундай усулларни ишлатаётган одамлар билан баҳслашиб бўладими?! Уларни шундай бир одамга ҳавола қилишдан бошқа илож йўқки, улар бу одамнинг берган баҳоларини жуда тўғри деб қабул қилмоқдалар ва КПССга ҳамда ҳалқаро коммунистик ҳаракатга қарши курашда ўша одамнинг номидан бажонидил фойдаланмоқдалар.

Хитой раҳбарлари нима учунпир ўзларини И. Сталининг янги Конституция тўғрисидаги докладини ҳам, унинг партия XVIII съездидаги докладини ҳам, унинг бошқа нутқларини ҳам ўқимаган кишилар қилиб кўрсатмоқдалар. И. Сталининг ўша доклад ва нутқларида, ўттизинчи йилларнинг ўрталаридаёқ Совет Иттифоқида «ким-кимни» масаласи узил-кесил ҳал қилиниди, эксплуататор синфлар тугатилди ва социализм тўла ғалаба қозонганидан кейин орадан саккиз йил ўтгач, партияга ижтимоий аҳволдан қатъи назар қабул қилишнинг ягона шартлари белгиланди. Бундай шартлар эса Россияга қараганда ҳам майда буржуазияси таққослаб бўлмаслик даражада кўпроқ бўлган мамлакатда белгиланди. Хўжалик қурилишидаги ва деҳқонларни кооперативлаштиришдаги биринчи ютуқлар Хитой раҳбарларининг бошини гангитиб қўйди, уларда ўсиш даври энди орқада қолиб кетди ва коммуна орқали Хитой тез суръатлар билан коммунизмга Европанинг социалистик мамлакатларига, шу жумладан Совет Иттифоқига қараганда ҳам олдинроқ ўтиши мумкин, деган тасаввур туғдирди.

Объектив воқелик билан ҳисоблашмаган кишилар жуда шармандa бўладилар. Иқтисодий жиҳатдан асосланилмаган, энг катта натижаларни кўзлаган шиорлар барбод бўлди, мамлакат экономикасига жуда қимматга тушди. Ана шундан кейин Хитой раҳбарлари ўзларининг шарманда бўлганликларини яшириб, ҳамма учун шовқин-суронли пропаганда кампаниясини авж олдириб юбордилар, фақат Хитойдагина эмас, шу билан бирга СССРда ва бошқа барча социалистик мамлакатларда ҳам ўтиш даврининг вазифалари ҳал қилинганлигини йўқ деб, СССР Хитойга қараганда бирмунча бой мамлакат бўлса ҳам, лекин социал ғалабаси СССР ҳам Хитой сингари коммунизмдан ҳали узоқ мамлакат, деб кўрсатишга уриндилар.

Бундай уриниш чошгоқ пайтини эндигина тонг отиб келаётган пайт деб даъво қилишга уриниш каби бир нарсадир. Бундай даъволар ҳақиқатда соат неча бўлганлигини суриштириб кўришни истамай афсунгарлик билан шуғулланишни эслатади.

ХКП раҳбарлари хўжа кўрсинга революционерлик қилиб айтмоқдаларки, «марксчи-ленинчилар яқин назаридан қараганда синфлардан ташқари ёки синфлардан юқорари турган партиялар бўлмайди. Сиёсий партияларнинг ҳаммаси синфий характерга эгадир. Партиявийлик синфийлиннинг лўнда ифодасидир». Бу — марксизм-ленинизмнинг ҳаммага маълум ҳақиқатидир. Лекин Хитой идеологлари турмушнинг ўзи келтириб чиқараётган саволга қулоқ солишни истамайдилар: Антагонистик синфлар бўлмаган, эксплуататорлар йўқ қилиб ташланган ва одам одамни эксплуатация қилиши абадий тугатилган, жамиятнинг социал-сиёсий бирлиги мустаҳкамланган социалистик жамиятда марксчи-ленинчи партиянинг синфийлиги нимада ифодаланади? Коммунистлар бу саволга жавоб бериб айтадиларки, бундай жамиятда марксчи-ленинчи партиянинг синфийлиги коммунизмга — халқаро пролетариатнинг олий синфий принципига содиқликдан, халқаро ишчилар синфининг пиравард мақсади бўлган коммунизмни амалга оширишдан иборат бўлади. Капитализмга ва эксплуататорларга ҳамда империалистик, миллий ва сиёсий зулмнинг ҳамма формаларига муросасиз бўлишдан иборат бўлади.

«Хитойлаштирилган марксизм» нуқтаи назаридан қараганда, ҳамма нарса қандай жойда ва қандай вазиятда содир бўлишдан қатъий назар ҳамма замонлар ва жамиятлар учун бир хилда бўлган шаблон схемага: партиялар — антагонистик синфлар — синфий кураш тарзидаги схемага асосланиб, примитив равишда ҳал қилина беради. Социалистик малакатимизнинг турмушини, коммунизм учун халқимиз олиб бораётган курашни тушунишни истамаётган ёки тушунолмаётган, бошқа мамлакатлар тўғрисида ўз мамлакатидаги аҳволгагина қараб фикр юритаётган Хитой раҳбарлари айтдилар, деб бизнинг мамлакатимиз ўзи турмушда аллақачон босиб ўтган погоналарга қайтиши мумкин эмас-ку, ахир. Хитой раҳбарлари синфийликни тўғри, ленинча тушунмоқ учун примитив, шаблон схемаларга асосланмасдан, балки реал воқелик фактлари заминида тириладиган ёки уларнинг ўзлари севиб такрорлаётган гапларда айтилганидек «бир оёқлаб ва бир ярим оёқлаб юрмасдан, балки икки оёқлаб юриш» керак.

УЛАР НЕГА ШУНДАЙ ҚИЛАЁТИРЛАР?

Хитой раҳбарларини принципиал масалалар устида музокара ўтказишдан, ҳақиқатни аниқлаб олишдан ҳақиқатан манфаатдор бўлган кишилар деб ҳисоблаш адолатсизлик бўлур эди. Улар ишлатаётган усуллар шу нарсани етарли равишда очиқ кўрсатиб турибдики, улар пролетар партиясини умумхалқ партиясига айлантириш қонуниятини эътироф қилаётган кишиларга дўқлар қилиб ва таъна тошлари ёғдириб, бу билан ўзларининг муайян мақсадларини кўзламоқдалар.

Тарихан шундай бўлиб қолдики, КПССнинг умумхалқ характери тўғрисидаги қоидалар Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини партия кескин равишда бартараф қилиб бўлганидан кейин ва халқ оммасининг эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш учун мамлакатда объектив имкониятлар пайдо бўлганидан кейин ривожлантирилди.

Бу нарса Хитой раҳбарларига алам қилянти. Улар КПССнинг халқ партияси эканлигини инкор қилиб, совет коммунистлари «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» сингари шиорларни тинмай пропаганда қилмоқдалар» деб ғазабланаётирлар. Хитойдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, Хитой раҳбарларининг авантюристик, субъективистик йўли ҳозирги шароитда уларнинг бундай сиёсат ўтказишигина имкон бермаслигини Чжоу Ян ўзининг қўлланма тарақасида қилган докладида эътироф қилишга ботинолмади. Шу сабабли «Ҳамма нарса инсон учун» деган шиор «бутун дунёда коммунизм даври бўлганидагина» тарғиб қилиниши мумкин, деган тезисни «асослашга» уринмоқдалар. Чжоу Ян ижтимоий фан ходимларига йўл-йўриқлар кўрсатишга берилиб кетиб, ХКПнинг 1956 йилда қабул қилинган Уставида, Хитой раҳбарлари асосан тўғри сиёсатни ўтказаётган вақтда ёзилган гапларни «унутиб» қўйди. Ваҳолонки ўша Уставда «халқ турмушининг моддий ва маданий эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш партия олиб бораётган бутун ишнинг асосий мақсадидир», дейилган эди, (қаранг: ХКП Умумхитой VIII съездининг материаллари, 509- бет), бу гаплар ҳозир Хитой раҳбарлари танқид қилаётган формулировкадан фақат таҳрир жиҳатидангина фарқ қилади. Мана шунинг ўзи ҳам Хитой раҳбарлари ўзларининг тўғри позицияларидан чекинганликларини, ҳатто ўз ҳужжатларини ревизия қилаётганликларини кўрсатувчи яна бир мисолдир. ХКП раҳбарларининг назарий ва сиёсий бурдсизлигини яққол кўрсатувчи мисолдир. Хитой раҳбарларининг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ҳақида гапиришларига ҳозир Хитойнинг ички аҳволи имконият бермаётган бўлса керак, шунинг учун ҳам улар халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг олий принципи деб ҳисоблаётган партияга таъна тошларини ёғдирмоқдалар.

Сталин шахсига сиғинишга қарши КПСС сафларида авж олдириб юборилган кураш Хитой раҳбарларига ёқмай қолганлиги очиқ кўриниб турибди, чунки бу кураш Хитойда ҳақиқатан ҳам мисли бўлмаган даражада кенг тус олган шахсга сиғинишга зарба бўлиб тушди. Дастлаб Пекиндагилар КПСС XX съезди «коллектив раҳбарлик принципига оғишмай риоя қилишнинг ва шахсга сиғинишга қарши курашнинг жуда муҳим аҳамиятини яққол тушунтириб берди» деб эътироф қилдилар-ку, лекин орадан сал вақт ўтмай, КПССнинг ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг шахсга сиғинишга қарши олиб бораётган курашини «хато» ва «зарарли» деб эълон қилдилар. Хитой раҳбарлари Сталиннинг номидан раҳбарликнинг зарарли методларини улуғлаш, партия турмушининг нормалари бузилганлигини ниқоблаш ва ўзларини улуғлаб, бошқа коммунистик партияларнинг, Пекиндаги бузғунчилар ҳатти ҳаракатини ва уларнинг номуносиб ишларини қоралаётган партияларнинг раҳбарларига туҳматлар қилиш учун фойдаланмоқдалар.

Хитойга бориб келган кишиларда, у ерда марксизм-ленинизмни ўрганиш битта кишининг асарларини ўрганишдан нариги ўтмаётганлиги тўғрисида қатъий таассурот туғилмоқда. Ҳар ҳолда ҳеч ким у Маркс ва Энгельс асарларини ўқийди, у илмий коммунизм асосларини лоақал бирон асари билан танишган деб айтмайди. Ленин асарлари Хитойда жуда оз миқдорда нашр этилганлиги сабабли кенг китобхонлар бу асарлардан амалда баҳраманд бўлолмайдилар.

Амме Мао Цзэ-дунинг 380 миллион нусхадан кўпроқ нашр этилган асарлари тўғрисида ҳамма вақт ва ҳамма жойда йўлни ёритиб турган қуёш деб, энг юксак донишмандлик деб гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Партия аъзосига таълим бериб айтмоқдаларки, Маонинг асарини уч жойда — уйингда, чўнтагингда ва ишлаб турган жойингда сақла, Маонинг айтган гапларини ҳар куни камида уч марта эслаб қўй. Хитойда Мао авлиё даражасига кўтарилганлиги шу нарсадан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир хитой еган овқати учун, болаларининг соғ бўлиб юрганлиги учун, бирор ишда омади келганлиги учун Маога шукурона қилади.

Маони шу қадар авлиё қилиб олган Хитой раҳбарлари Сталин шахсига сиғинишни дадиллик билан фош қилиб ташлаган ва ҳар қандай шахсга сиғинишнинг марксизм-ленинизмга бутунлай ёт эканлигини кўрсатиб берган КПССга нима учун қарши бўлиб чиқаётганликларини тушуниш қийин эмас.

Хитой раҳбарлари демократияга камдан-кам дахли бўлган тартиблари партия ичида ўрнатмоқдалар ва шахсга сиғиниш натижасида муқаррар келиб чиққанлиги яхши маълум бўлган қилиқларни зўр бериб тарғиб қилмоқдалар.

ХКПнинг VIII съездида партия съезди 11 йилдан бери чақирилмаганлиги катта камчилик деб айтилган эди. Лекин бу ўз-ўзини танқид нуқул расмият учун айтилган гап бўлиб чиқди. Партиянинг янги Уставига мувофиқ, съездлар ҳар беш йилда чақирилиши лозимлигига қарамай, VIII съезддан кейин орада етти ярим йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам ХКПнинг навбатдаги съезди тўғрисида нима учундир ҳеч ким оғиз очмаётир. Агар кейинги тўрт йил ичида ХКП раҳбарлари ўз сиёсатларида фақат съездгина белгилаб беришга ҳақли бўлган кескин бурилиш ясаганликлари ҳисобга олинса, партиянинг умумхалқ характери тўғрисидаги қоидани ва шу қоидадан келиб чиққанган яна бир қоидани, яъни демократик практикани кенгайтириш тўғрисидаги қоидани Хитой раҳбарлари нима сабабдан шу қадар ёмон кўриб қолганликлари тағин ҳам равшанроқ бўлиб қолади.

Хитой Компартиясининг раҳбарлари изчил бўлганларида эди, улар ўз партиясининг VIII съезди материалларини «фош қилишлари» лозим эди. Чунки VIII съезднинг материалларида ташқи дунёдан ажралган ҳолда, якканаиб социализм қуришга уриниш ҳато эканлиги (қаранг: ХКП Умумхитой VIII съезднинг материаллари. Госполитиздат, 1956 йил, 132-бет), раҳбарлар реал бўлмаган суръатларни ўтказишга ҳар сафар интилганларида «Шошсанг оламнинг олдида шарманда бўласан» мақолида айтилган аҳволга тушиб қолишларини тажриба кўрсатиб берганлиги (224-бет), Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқ Хитойига бераётган ёрдамининг жуда катта аҳамияти борлиги (4, 125, 164- ва бошқа бетлар), кибрланишларга, буюк давлатчилик қилиқларига йўл қўйиш ва революциянинг галабаси ҳамда қурилишдаги баъзи ютуқлар натижасида мағрурланиб кетиш ярамаслиги (5- бет), майда буржуа иллатлари «чўлдаги ёнғин батамом қуйдириб йўқ қилолмайдиган, қўклам шамоли эсиши билан яна ўсиб чиқадиган бегона ўтга ўхшаш бир нарса» эканлиги (374- бет) айтилган эди. Мана шу гапларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда Хитой раҳбарларининг ўтказаётган йўли тўғрисида ўткир танқид сўзлари бўлиб туюлади. ХКП раҳбарлари гўё партиянинг VIII съезди бўлмагандек ҳаракат қилмоқдалар. Аммо улар Совет Иттифоқида қилинаётган ишларнинг ҳаммасига шиддатли ҳужум қилмоқдалар, ХКП раҳбарлари партиянинг умумхалқ характери тўғрисидаги қоидани танқид қилаётганликлари улар ўтказиб келаётган кампаниянинг фақат бир қисмидир. Улар ўзларининг хато позициялари натижасида мамлакат ичида вужудга келган қийинчиликлардан Хитой халқини чалғитиш мақсадида шундай кампания ўтказмоқдалар.

Кейинги йилларда Хитой матбуоти партия турмуши масалаларини тобора камроқ ёритмоқда, партия раҳбарлигининг мақсадлари тўғрисида оғиз очмаётир. Ҳақиқатда бу соҳа сирли соҳага айлантирилмоқда, қандайдир «ҳарбий сир» бўлиб қолмоқда. Ҳукмрон услуб қандайлигини шундан билиш мумкинки, «сиёсат — асосий куч» деб зўр бериб такрорламоқдалар, авж олиб кетган маъмуриятчиликни ва волюнтаризмни мана шу қоида билан назарий жиҳатдан асослашга уринмоқдалар, партия ходимлари орасида ўзбошимчалик билан буйруқлар беришга одатланиб қолган кишилар оз эмас, деган гаплар вилоятлардаги газеталарнинг саҳифаларида пайдо бўлиб қолмоқда, жойларда ҳар жойнинг ўз «доҳийси» хўжайин бўлиб қолмоқда, бу «доҳийларни» халқ «тирик буддалар» деб атамоқда.

Маълумки, партия демократияси нақадар кам бўлса, партия аппарати шу қадар кўп сонли бўлади. ХКПда бўлгани сингари жуда катта аппарат ҳеч бир коммунистик партияда йўқ. Масалан, 1960 йилда Фушунь кўмир ҳавзасида 3.500 коммунистга юзтадан кўпроқ штатли партия ходими бор эди, Аньшанда партиянинг 24 минг аъзосига 2.510 та штатли партия ходими ва жамоат ташкилотларининг ходимлари бор эди. Шанхайдаги дизель заводида 510 коммунист ва 25 штатли партия ходими бор. Шу заводда 4.750 ишчи ва хизматчига жамоат ташкилотларида ишлайдиган 600 та штатли ходим бор. Шундай қилиб 25 — 40 коммунистга битта штатли партия раҳбари тўғри келади. Амалда бунинг нималигини Мао Цзэ-дунинг секретарь яхши «бўлим командири» бўлиши лозим деган кўрсатмасидан билиш мумкин (қаранг: ХКП Умумхитой VIII съезднинг материаллари, 295- бет). Ҳамма шу гапни рўкач қилиб, шу гапга амал қилиб секретарни ҳақиқатан ҳам командир деб ҳисобламоқдалар, партия ташкилотини ҳарбий бўлинма деб, партия турмушини эса армиядаги тартиб деб ҳисоблашмоқдалар. Ҳозирги вақтда Хитой матбуотида «ҳар бир биринчи секретарь олий бош қўмондон» деб ҳам даъво қилинаётганлигини кўриш мумкин.

Партия турмушига марксча-ленинча қараш бутун

Суратда: Шуман номли халқаро пианиночилар конкурсининг лауреати Нелли Акопян Чирчиқ шаҳридаги химиклар маданият саройида томошабинлар билан суҳбатлашмоқда.

Э. Каминский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„ТОШКЕНТ БАҲОРИ“

Совет санъати усталари қўйиб берадиган байрам концертининг қатнашчилари кенг зинапоядан химикларнинг Маданият саройига чиқиб боришаётган эди. Шунда артистлардан бири: «Атрофингизга қаранг! Қандай чиройли-я!— деб қийқириб юборди. Зални лиқ тўлдириб ўтирган одамлар «Тошкент баҳори» қатнашчиларини муштоқлик билан кутишаётган бўлса ҳам, меҳмонлар рўпараларида намоён бўлган ажойиб манзарани томоша қилиш учун бир лаҳза тўхтаб қолишди.

Қатор-қатор янги иморатлар, химкомбинат иншоотларининг бежирим устунлари, янги қурилишлардаги кранларнинг стрелалари, хуллас, химиклар ва энергетиклар шаҳри бўлган бутун ёш Чирчиқ кўкимтир тоғлар фонида мана мен деб яққол кўзга ташланиб турарди.

Шундан кейин концерт бошланди. Меҳмонлар ўз маҳоратларини, кишини қойил қолдирувчи санъатларини намойиш қилишди. Артистлардан қайси бири саҳнага чиқмасин, қандай асар—хоҳ классик музыка, хоҳ совет композиторларининг асарлари ижро қилинмасин—залда гоҳ сукунат чўкар, гоҳ гулдурос қарсаклар янграб кетар эди.

Томошабинлар Россия Федерациясининг халқ артисти Л. Масленниковачи, Украина ССР да хизмат кўрсатган артистлар Л. Чкония билан В. Тимохинни, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Беловни, халқаро кўчкурсларнинг лауреатлари бўлган созандалардан Н. Акопян билан А. Михлинни, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Шмиганн, Москва оперетта театрининг солисти В. Шишкинни, С. М. Киров номли Ленинград опера ва балет театрининг солисти Л. Морозовни, музика, қўшиқ, рақс олиб келган ана шу баҳор байрамининг ҳамма қатнашчиларини миннатдорчилик билан олқишладилар.

Артистлар ҳам томошабинларга юксак баҳо бердилар. «Ажойиб зал экан,— деди ашулачи Л. Чкония.— Акустикасининг авзо даражада бўлиши билангина ажойиб бўлмай, уни тўлдириб ўтирган олижаноб одамлари билан ҳам ажойиб экан. Улар ҳар бир номерни нақадар диққат билан, нақадар сезгирлик билан тинглаяпти-я! Музикани шундай севадиган шинавандаларга ашула айтиб беришнинг ўзи жоннинг роҳати!»

Танаффус вақтида пианиночи Нелли Акопян олдига унинг ёш касбдоши Стелла Сафарова ийманиброқ келди. У, Чирчиқ шаҳар музика мактабининг 5-синфида ўқийди. «Мен, деди у, худди сизга ўхшаб концертларда қатнашишни орзу қиламан. Бунинг учун нима қилишим керак?» Лауреат: «Ўқдон меҳнатсевар бўлинг ва музикага астойдил меҳр қўйинг»,—деб соддагина жавоб бериб қўяқолди.

Томошабинлар фойеда Электрохимия комбинатидаги коммунистик меҳнат коллективи—контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика цехининг раҳбари Е. А. Соколовскийнинг атрофини ўраб олишди. «Бугунги концерт—шаҳримизнинг маданий ҳаётида беҳаҳо воқеа бўлди,—дейди у,—Минг афсуски, кўп одамлар шу куни саройга кириш имкониятига эга бўлишмади».

Яна парда очилади... Зал Москва, Ленинград, Киев санъатининг вакилларини яна жимгина тинглайди; ҳар бир номер шарафига гулдурос қарсаклар янграйди.

Сўнгги қўйиннг садоси тинди. Концертнинг ҳамма қатнашчилари саҳнага чиқишгач, томошабинлар гулдасталар кўтариб «Тошкент баҳори» меҳмонлари томон чопишди. Чирчиқликлар артистларга қизғин миннатдорчилик айтиб, шундай «баҳор» ҳар йили такрорланиб турсин, деган истаклар билдиришди.

СССР Иттифоқи Большой академик опера ва балет театрининг солисти, машҳур хонанда Л. И. Масленникова саҳнанинг олдига келади.

— Азиз дўстлар, химия саноатининг ажойиб меҳнаткашлари!— дейди у бутун залга қараб,—Самимият билан кутиб олганингиз учун миннатдорчилик билдиришимга ва ажойиб республикангизнинг яқинлашиб келаётган қирқ йиллиги билан сизларни қутлашимга рухсат бераайсиз. Биз, санъат ходимлари меҳнатдаги шижоаткорона ишларингизни диққат билан кузатиб турибмиз. Чунки сизлар ўз қўличгиз билан «Улкан химия» мўъжизаларини яратаяпсизлар. Бинобарин, биз, сизларга ишда ҳам, шахсий турмушда ҳам ячада эўр муваффақиятлар тилаймиз. Ҳамма илтифотларингиз учун кўпдан-кўп раҳмат! Бахтли бўлинг!

Ю. КУКАРКИН.
ЎзТАГ мухбири.

Чирчиқ шаҳри.

БУГУН ЁШЛАРНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ, ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ УЧУН ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

ЁШЛАР—ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

1955 йилнинг 24 апрелида Бандунг шаҳрида Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференция иккала қитъа халқларининг мустамлакачиликка қарши, тинч-тотув яшаш ва дўстона ҳамкорлик учун олиб борилаётган курашдаги қудратли бирикларининг намойиши бўлди. Ана шу конференцияда жаҳон ёшлари ҳар йили 24 апрель кунини ёшларнинг мустамлакачиликка қарши, тинч-тотув яшаш учун халқаро бирдамлик куни сифатида нишонлашга қарор қилдилар.

Ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаракатнинг барча соҳаларида ёшлар актив иштирок этаётир. Ёшларнинг Москвада ўтган бутун жаҳон форуми, ёшлар ва студентларнинг Хельсинкида ўтказилган VII жаҳон фестивали, бутун дунё демократик ёшлар федерациясининг VI жаҳон Ассамблеяси каби ва бошқа воқеалар замонамиз ёшлари тинчлик учун курашда катта куч эканлигинг ёркин намойиши бўлди.

Жаҳон социалистик системаси, қудратининг тобора ўсиб бораётганлиги, миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши, капитал мамлакатларида пролетариатнинг синфий жанглари — ана шуларнинг ҳаммаси бутун дунё ёшларининг тақдирига, уларнинг курашига катта таъсир кўрсатди. Улар Совет Иттифоқи ҳамда барча социалистик мамлакатларда илмий коммунизмнинг ғоялари амалга оширилаётганлигини, Ленининнг ўлмас ғоялари тантана қилаётганлигини яққол кўрмоқдалар ва бундан намуна олмоқдалар. Капиталистик мамлакатлардаги йигит ва қизлар мамлакатимизнинг ютуқларидан кўпроқ хабардор бўлишга, мамлакатимиздаги кишилар тўғрисида кўпроқ билишга интилмоқдалар. Кўпгина чет эллик меҳмонлар эса совет кишиларининг меҳнати ва турмушини ўз кўзлари билан кўриб, совет ёшларининг меҳнатсеварлигига қойил қолмоқдалар.

Совет кишиларининг меҳнати ва турмуши билан танишишга бўлган катта қизиқиш туфайли жаҳондаги кўпгина ёшлар ташкилотлари ўз вакилларини мамлакатимизга юбориб турадилар, совет ёшлари билан дўстона алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Фақат кейинги уч йил ичидагина СССРга ёшларнинг 450 дан ортиқ делегацияси келиб кетди, 60 минг ёш турист мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Ёшларнинг мустамлакачиликка қарши, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик бўлиши учун олиб бораётган кураши кейинги вақтда айниқса авж олиб кетди. Мустамлакачилик сиртмоғини улоқтириб ташлаган Африкадаги қатор мамлакатларда ёшларнинг турли хил ташкилотлари тузилиб, улар бутун халқ билан биргаликда янги ҳаёт қуриш йўлида тинмай курашмоқдалар. Масалан, Гвинея Демократик Ёшлар Союзи, Гана пионерлари Союзи, Жазоир миллий-озодлик ёшлар секцияси каби ташкилотлар шулар жумласидандир. Бу мамлакатлардаги ёшлар миллий экономикани барпо этишда, халқни билимли қилишда актив қатнашмоқдалар. Ганадаги пионерлар ҳаракатида эса 1,5 миллион киши иштирок этаяпти.

Африка ёшлари миллий мустақиллик, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, тинчлик ҳамда яппи қуролсизланиш учун курашга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Халқларнинг тинчлик ва миллий тараққиёт учун олиб бораётган курашига Осиё мамлакатларининг ёшлари ҳам салмоқли ҳисса қўшаётирлар. Осиёнинг қатор мамлакатларида коммунистик ёшлар союзлари тузилган бўлиб, улар шу мамлакатлардаги коммунистик партиялар раҳбарлигида ёшлар ўртасида иш олиб бораётирлар. Масалан, Япониядаги ёшлар ташкилотларида 4 миллионга яқин йигит-қиз бор. Ёшларнинг Умум ҳиндистон федерацияси, Камбоджада Кхмер короллиги ёшлари ташкилоти, Япония демократик ёшлари лигаси ва бошқа кўпгина ташкилотлар тинчлик, қуролсизланиш ҳамда миллий озодлик учун курашда прогрессив ғояларни қўллаб-қувватламоқдалар. Бу ғояларни амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар.

Капитализм мамлакатларидаги ёшлар қуролсизланиш, давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари ҳозирги замоннинг илғор принциплари эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилаётирлар. Совет Иттифоқининг тинчлик ва қуролсизланиш учун олиб бораётган кураши уларнинг таҳсинига сазовор бўлаётир.

Капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ёшлар орасида замонамизнинг энг илғор ва прогрессив ғояларининг тарқалишига жон-жаҳдлари билан қаршилик қилмоқдалар. Улар ёшлар онгини чалғитишга, уларни янада кўпроқ эксплуатация қилишга, улар онгини антикоммунизм ғоялари билан заҳарлашга уринмоқдалар. Бунинг учун буржуа пропагандасининг барча воситалари ишга солинмоқда. Бунга жавобан, Америка ва Ғарбий Европадаги капиталистик мамлакатларнинг ёшлари турли системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун олиб борилаётган курашларда тобора актив қатнашиб, қашшоқлик, ишсизлик ҳамда ҳуқуқсизликка қарши, курашни авж олдираётирлар. Бу мамлакатлардаги ёшларнинг ташкилотлари ҳисобланган коммунистик союзлар ғоят оғир шароитларда иш олиб боратирлар. Шунга қарамай, коммунистик союз аъзоларининг сони тобора ортиб бораётир. Масалан, Буюк Британиядаги ёшлар коммунистик ташкилотларининг сафлари кейинги вақтда икки баравар ўсди. Франция коммунистик ёшлар ҳаракатида юз минг киши, Италия коммунистик ёшлар федерациясида 200 минг киши бўлиб, улар ўз мамлакатларида ёшлар ўртасида иш олиб бораётирлар.

Европадаги барча коммунистик ёшлар союзларининг вакиллари ВЛКСМнинг XIV съездида ҳамда бутун жаҳон ёшларининг форумида иштирок этиб, ўзларининг тинчлик, қуролсизланиш, тинч-тотув яшаш ва миллий мустақиллик учун олиб борилаётган ҳаракат билан тўла бирдам эканликларини ва бундан буён ана шу йўлда қатъий кураш олиб боражакларини изҳор қилдилар. Флоренциядаги ёшлар ва студентлар ташкилотларининг бир группаси халқлар, ёшлар ва студентларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш проблемаларига бағишланган йирик халқаро йиғин ўтказишни таклиф қилди. 40 дан ортиқ мамлакатнинг 57 та ёшлар ташкилоти Москвада шу йилнинг август ва сентябрь ойларида Миллий мустақиллик ва тинчлик учун курашаётган ёшлар ва студентларнинг бутун жаҳон бирдамлик форумини ўтказиш тўғрисидаги таклифни маъқулладилар.

Ёшларнинг бирдамлик учун, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашида турли халқаро учрашувлар катта роль ўйнамоқда. Масалан яқинда Москвадаги Чет эл мамлакатлари халқлари билан дўстлик уйида 22 мамлакат студентларининг «Совет Иттифоқи ва Лотин Америкаси» темасига бағишланган симпозиуми бўлиб ўтди. Унда Лотин Америкасидаги 21 мамлакатнинг СССР да ўқиётган студентлари ҳамда совет студентлари группаси иштирок қилди. Бундан ташқари симпозиумда Африка, Осиё ва яқин Шарқ мамлакатларидан келган студентлар ҳам иштирок қилдилар.

Жаҳон ёшларининг мустамлакачилика қарши, тинч-тотув яшаш учун олиб бораётган шарафли курашига республикамиз, жумладан Тошкент области ёшлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Областимиз ёшларининг тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссалари уларнинг меҳнат фронтида эришаётган ажойиб муваффақиятларидир. Ўтган йили область меҳнаткашлари саноатда ва қишлоқ хўжалигида катта зафарларни қўлга киритдилар. Пахтачиликда эришилган муваффақият айниқса қувончли бўлди. Областимиз давлатга 321 минг тонна, 1962 йилдагидан қариб 40 минг тонна кўп пахта сотди. Шунингдек ўтган йили 272 минг тонна канопжут, 131 минг тонна сабзавот, 59 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 28 минг тоннадан ортиқ хўл мева ва узум етиштирилди.

Областимиз ёшлари бу йил ҳам олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун йил бошиданоқ катта ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар яхши биладиларки, меҳнатда эришиладиган ютуқ қанчалар салмоқли ва самарали бўлса, Ватанимиз бойлиги, куч-қудрати шунча тез ортади, коммунизм қурилиши жадаллашади. Ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахтсаодат барпо қиладиган коммунизмга хизмат қилишдан ҳам ортиқроқ бахт йўқ.

Совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди. Партиямизнинг бу башорати ёшларимизни ижодий меҳнат ва тинчлик учун курашда юксак зафарларга илҳомлантирмоқда.

Б. С. ТОШХУЖАЕВ,

Тошкент қишлоқ область комсомол комитетининг биринчи секретари.

УЛАР МОСКВАГА ЙИҒИЛИШАДИ

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ЙЎЛИДАГИ БИРДАМЛИГИ ЖАҲОН ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бир ярим ой муқаддам Жазоир, Цейлон, Куба, Польша ва бошқа бир қатор мамлакатлар вакиллари 1964 йилда ёшлар ва студентларнинг катта халқаро учрашувини ўтказишни таклиф қилган эдилар. Бу тадбир миллий мустақиллик учун, мустамлакачиликка, янги мустамлакачилик ва империализмга қарши курашаётган мамлакатлар ёшлари ва халқлари билан бирликни мустаҳкамлашга қаратилади.

Бу ташаббус кенг қўллаб-қувватланди. Совет ёшлари ташкилотлари бу тадбирни миллий мустақиллик ва тинчлик учун курашдаги ёшлар ва студентлар бирдамлиги Жаҳон форуми деб аташ ва уни Москвада 1964 йилнинг август-сентябрида ўтказишни таклиф қилдилар. Бу таклифни 40 та мамлакатнинг 57 ёшлар ва студентлар ташкилотлари қувватладилар.

Форум ғояси ҳозироқ кенг қулоч ёйди. Шу кунларда Осиё, Африка, Америка, Европадан Москвага телеграмма ва хатлар келмоқда. «Бўлажак форумни табриклаймиз. Унда иштирок этишга тайёрланмоқдамиз», — хат ва телеграммаларнинг асосий мазмуни шундай.

Жаҳон демократик ёшлар федерацияси ва Халқаро студентлар союзи каби обрўли халқаро ташкилотлар форумни қувватлаб чиқмоқдалар. Халқаро студентлар союзи секретариати барча миллий студентлар ташкилотларини бу муҳим тадбирни ўтказишда ёрдам беришга чақирди.

Совет ёшлари форумни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва унда актив иштирок этишга тайёрланмоқдалар. Улар форумга тайёргарлик шиори остида 24 апрель кунини мустамлакачиликка қарши тинч-тотув яшаш учун ёшларнинг халқаро бирдамлик куни тариқасида нишонлайдилар. Мамлакатнинг ҳамма ерида митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бу митинг ва йиғилишларда йигит ва қизлар ўз овозларини миллий озодлик, тинчлик ва тараққиёт учун адолатли кураш олиб бораётган СССРдан ташқаридаги тенгдошлари овозига қўшмоқдалар. Форумнинг совет тайёргарлик комитети ташкил қилинди.

Халқаро тайёргарлик комитетининг таъсис мажлисида Жазоир, Куба, Япония, Чили, Ливан, Колумбия, Франция, Польша, Цейлон, Венгрия, Занжибар, Гватемала, Кения, Бразилия, Чехословакия, СССР ва бошқа мамлакатлар вакиллари иштирок этдилар.

(АПН).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЛЕНИН КУНЛАРИ

СОФИЯ. Бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ доҳиси ва устози В. И. Ленин туғилган куннинг 94 йиллигини болгар халқи бутун илғор инсоният қатори тантана билан нишонламоқда.

Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида абадий барҳаёт Ильичнинг қаҳрамонона ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қиноя қилувчи лекция ва доклад уюштирилмоқда, фото виставкалар очилмоқда, кинофильмлар кўрсатилмоқда.

Болгария радиоси ва телевидениеси ўз эшиттиришларини улуғ Ленинга бағишламоқда. Матбуот шонли санага бағишлаб мақолалар, материаллар, хотиралар босиб чиқармоқда.

ПРАГА. В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига, унинг абадий барҳаёт революцион меросига бағишлаб шу кунларда бутун республикада тантаналар йиғилишлар ва кечалар ўтказилмоқда, виставкалар очилмоқда.

Прага ва Братиславадаги Ленин музейларига келаётган кишилар сони анча кўпайди, РСДРПнинг Бутуннросия олтинчи конференцияси 1912 йилда ўтказилган уйда В. И. Ленининг Прага музейи очилган. Шу музей залларига ҳар йили 100 мингдан кўпроқ экскурсиячи келиб туради. Прага музейининг Ленин залида ҳар куни ўқувчиларни пионер ташкилоти сафига тантанали суратда қабул қилиш маросимлари ўтказилмоқда.

Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида Чехословакияда В. И. Ленин асарлари 8 миллиондан ортиқ нусхада нашр қилинди. В. И. Ленин асарлари тўпламининг 38 та томи чех ва словак тилларида чиқарилди.

Чехословакия газеталари шу кунларда В. И. Ленинга бағишланган редакцион мақолалар ва бошқа материаллар босиб чиқармоқда.

БУХАРЕСТ. Руминияда В. И. Ленин асарлари кенг ййлди. Давлат сиёсий адабиётлар нашриёти 1950 йилдан буён В. И. Ленининг 138 номдаги асарини жами бўлиб қарийб 6 миллион нусхада чиқарди. Ленин асарлари тўпламининг 39 та томи нашр қилинди, 1960 йилдан буён эса Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг қарорига биноан Ленин асарларининг тўла тўплами 5-совет нашрига қараб нашр қилинмоқда. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ НАТО ядро кучларининг вужудга келтирилишига қарши 15 майда ўтказиладиган норозилик намойишида НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг хотин-қизлари билан бирга иштирок этиш учун 50 га яқин инглиз хотин-қизлари Гаагага боради. Хотин-қизлар НАТО кенгашига ўз норозиликларини билдирадилар. НАТО кенгашининг сессияси Гаагада ўтказилади. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раиси профессор Бернал эълон қилган ўз мактубида НАТО мамлакатларининг хотин-қизларини «барча мамлакатлардаги неча ўн миллионлаб тинчлик тарафдорлари қўллаб-қувватлайди», деб ёзади.

✦ Франциянинг тараққийпарвар хотин-қизлари Жанубий Вьетнамдаги урушни тўхтатишга чақириб мурожаат қилдилар. Улар французларни «Жанубий Вьетнам халқига ўз ички ишларини ўзлари ҳал этиш ва, ниҳоят, тинчликка, озодликка ва бахт-саодатга эришиш имконини бериш учун» 1954 йилги Женева битимларига риоя қилишни талаб этишга чақирдилар.

✦ Франс Пресс агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: Бу ердаги америкалик хабардор доираларда айтишича, Жанубий Вьетнамнинг ҳукумат қўшинлари 18 апрелда тугаган бир ҳафта давомида «рекорд» талафот кўрганлар. Шу вақт ичида ҳукумат қўшинларидан 200 киши ўлган, 600 киши яралор бўлган ва 140 киши бедарак йўқолган.

✦ Канада молия министри Уолтер Гордон канадаликлар ўз мамлакатларида «йирик чет эл капиталининг эҳтимол тутилган оқибатларидан ташвишланаётганликларини» айтди. Унинг айтишича, ҳозирги вақтда Канададаги ҳамма қайта ишлаш ва кон-руда корхоналарининг 60 процентини ажнабийлар контроль қилиб турибди. Канададаги корхоналарни контроль қилиб турувчи ажнабийлар, деб таъкидлади Гордон, «Канаданинг манфаатларини ва мақсадларини назарга олмайдиган қарорлар қабул қила оладилар».

✦ Ванденберг ракета базасидан Американинг махфий йўлдоши учирилди. База қўмондонлигининг эълон қилишича, бу йўлдош «Тор-Эйбл-Стар» ракета системасининг ёрдами билан учирилган.

✦ АҚШ ҳарбий денгиз кучлари космик нурларни ўрганиш учун Пойнт-Мугу ракета марказидан 21 апрелда ҳаво шари учиришга қўрдилар. Лекин уларнинг урнишн муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Шар Санта-Моника районида йиқилиб тушди. Пойнт-Мугу ракета марказида кейинги тўрт кун ичида шу билан иккинчи марта муваффақиятсизликка учрадилар.

(ТАСС).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ПРАГА, 22 апрель. (ТАСС). Бу ерда социалистик мамлакатлар туташ энергетика системаси марказий диспетчерлик бошқармасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия Социалистик Республикасиничг мутахассислари туташ энергетика системасининг иш сифатини янада ошириш тадбирларини муҳокама қилишди, деб хабар беради ЧТК агентлиги. Бошқарма энергетика системасининг бундан кейинги даврга мўлжалланган иш режимларини маъқуллади ҳамда баъзи бир иқтисодий масалаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00—Қизил галстук (телевизион журнал). 18.35—Телевизион янгиликлар. 18.55—Уларнинг меҳнати шаҳримизни безайди. 19.15—Комплекс механизация бригадаларида. 19.35—Ҳар доим бўлсин дўстлик (Ёшларнинг мустамлакачиликка қарши бирдамлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш Халқаро кунига бағишланган эшиттириш). 20.05—Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 20.10—Телевизион янгиликлар. 20.30—Тинчлик—ҳаёт демандир (ҳужжатли фильм). 20.50—В. Шекспир — замондошимиз. 22.20—Кўча қоидаларига риоя қилинг. 22.30—Балдан сўнг (телевизион бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10—Николай Кибальчич (илмий-оммабоп фильм). 18.30—Оташ Қалбли ёшлар (ҳужжатли фильм). 18.50—Эрнин шамол (фильм-оперетта).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/IV да Шоир қалби, 25/IV да Фауст.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/IV да Қутлуғ қон, 25/IV да Қонли сароб.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/IV да Нурхон, 25/IV да Ишқинг билан.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Семён Рубанов қўл остида «Иллюзион аттракцион» (хайрлашув гастроллари). Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

ЧК ходими — «ВАТАН» (кундуз ва кечкурун). «ИСКРА» (кеч соат 7 гача). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз 2, кеч 6 ва 9-45 минутда). «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Кўк дафтар — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 6 да). «ИСКРА» (кеч 7 да). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да). «ЎЗБЕКИСТОН» (тоқ соатларда).

Революция номи билан — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Хотиржамлиққа ўрин йўқ (ўзбек тилида) — «ВАТАН» (кеч соат 10 да).

2-Чарҳкамолон, Бўстонлиқ, 30-уйда турувчи Толип Муслимовнинг Чигатой кўчаси, Оҳакчи проезд, 48-уйда турувчи Латофат Муҳаммадхўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Маориф кўчаси, 80-уйда турувчи Анвар Норбековнинг Маннон Уйғур кўчаси, Ҳақиқат проезд, 25-уйда турувчи Муаззам Норбекова-Абдуқаюмовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Энгельс кўчаси, 52-уй, 5-квартирада турувчи Евгений Трофимович Нижникиннг 3-Завкомовский переулок, 5-уйда турувчи Наталья Степановна Нижникдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

СПОРТ

„ПАХТАКОР“ РАҚИБЛАРИ ОЧКО ЙЎҚОТМОҚДАЛАР

Мамлакат биринчилиги учун иккинчи лига биринчи группасида беллашаётган «Пахтакор» рақиблари мавсумнинг тўртинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Финал группага кириш ҳуқуқини берувчи дастлабки 1—7 ўринлар учун нураш қизиб кетди. Даврамизда тошкентлик футболчилардан ташқари Челябинскнинг «Локомотив» ва Вильнюснинг «Жалгирис» командалари мағлубиятсиз бораётган эди. Навбатдаги турда «Локомотив» командаси биринчи мағлубиятга учради. Улар Краснодарнинг «Кубань» командасидан 1:2 ҳисоби билан енгилдилар. Новосибирскнинг Армия спорт клуби командаси Луганскда «Заря» командасига 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Строитель» (Ашхобод) «Энергетик» (Душанба)ни 2:1 ҳисобида ютди. «Авангард» (Харьков) — «Даугава» (Рига), «Черноморец» (Одесса) — «Жалгирис» (Вильнюс) учрашувларида ҳар қайси командалар бир-бирларининг дарвозаларига биттадан тўп киритиб, турнир жадвалига биттадан очко ёзиб қўйдилар.

Иккинчи группада қатнашаётган командаларнинг учрашувлари ҳам тобора кескинлашиб бормоқда. Одессанинг Армия спорт клуби командаси тўрт учрашувда бирорта ҳам очко йўқотгани йўқ. Улар саккиз имкониятдан саккизта очко тўпладилар. Аммо бу команда ҳужумчилари ўзларини кўрсатаолмаётирлар. Улар тўрт ўйинда жами бўлиб бешта тўп киритдилар, холос. «Металлург» (Запорожье) ва «Трактор» (Волгоград) командалари саккиз имкониятдан еттитадан очко билан кейинги ўринларда бормондалар.

Шу группадаги сўнгги ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Днепр» (Днепропетровск) — «Трактор» (Волгоград) — 0:1, «Металлург» (Запорожье) — «Динамо» (Талдин) — 0:0, «Олга» (Фрунзе) — «Арарат» (Ереван) — 2:1, «Шахтёр» (Қараганда) — «Локомотив» (Тбилиси) —1:0, «Карпати» (Львов)—«Уралмаш» (Свердловск) — 1:2.

Ўтган йили ҳучлилар группасидан тушган командалар ўртасида пахтакорчилар бирмунча яхши ўйнамоқдалар. «Арарат», «Локомотив», «Динамо», «Авангард» командалари ҳозиргинг ўзидаёқ бирнечтадан очко йўқотдилар.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 27 апрель душанба куни Тошкентда Душанба шаҳрининг «Энергетик» командаси билан ўтказади.

Командаларнинг 23 апрелгача бўлган аҳволи қуйидагича:

«Пахтакор»	3	10—3	6
«Черноморец»	4	5—4	5
«Заря»	4	5—2	4
«Локомотив»	3	4—3	4
«Жалгирис»	3	3—2	4
«Даугава»	4	3—2	4
«Строитель»	4	4—4	4
«Энергетик»	4	5—6	3
«Динамо»	3	3—4	3
«СКА»	4	3—7	3
«Кубань»	3	2—4	2
«Авангард»	2	2—3	1
«Волга»	3	4—8	1

Эслатма: биринчи устун командалар, иккинчиси ўйинлар, учинчиси тўплар айирмаси ва тўртинчиси очколар сонини билдиради.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЯНА РЕКОРД

Бундан икки ҳафта олдин ҳамшаҳарларимиз Наташа Устинова ва Светлана Бабининалар Англиянинг Блэкпул шаҳрида Буюк Британия ва СССР сузувчилари ўртасида ўтказилган мусобақада қатнашиб мамлакат рекордлар жадвалига иккита ўзгартиш киритган эдилар. Кучи кеча эса Югославиянинг шифобахш Риека шаҳридан яна бир хушхабар келди. Бу ерда Польша, Германия Демократик республикаси, Чехословакия, Руминия ва Совет Иттифоқи спортчилари ўртасида ўтказилган мусобақада қатнашган тошкентлик спорт мастери Светлана Бабанина яна бир рекорд ўрнатди. У терма командамизга қимматли очколар олиб бериш билан бирга барча рақибларини орқада қолдирди. 200 метрга брасс усулида сузишда 2 минут 47-6 секунд натижа кўрсатди. Кейинги ўн беш кун давомида ҳамшаҳарларимиз Наташа Устинова билан Светлана Бабининалар Совет Иттифоқининг учта рекордини янгиладилар.

(«Тошкент ҳақиқати» газетасининг навбатдаги сони 26 апрелда чиқади).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06575.
ИНДЕКС 64695.
Нашр. № 1741.

М. А. СУСЛОВ ДОКЛАДИ БИРМАДА НАШР ЭТИЛДИ

РАНГУН, 22 апрель. (ТАСС). «Ботатаун» газетаси М. А. Сусловнинг КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида қилган «КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракат жиддий масалалари ва ҳозирги даврдаги ташқи сиёсат» ва «Ленинизм — ҳозирги даврдаги ҳаётимиз ва ҳаракатимиз» мавзуларидаги докладини тўла ва ихчам ҳолда босиб чиқарди.